

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

46-сон
(962)
2020 йил
23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

512. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПФ–6112-сон Фармони
513. «1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4895-сон қарори
514. «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори

Учинчи бўлим

515. «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори

Бешинчи бўлим

516. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 ноябрдаги 4, 49, 23/1-сон «Давлат резервидаги маҳсулот ва товарларнинг ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 319-1*)
517. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 21-мх-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3719-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 12-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 12-мх-сон, 2020 йил 8 октябрдаги 9-мх-сон, 2020 йил 14 октябрдаги 01-14-18-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 392-сон «Давлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****512 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5755-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари иловага мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 ноябрь,
ПФ–6112-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги
ПФ–6112-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган
айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3860-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–4116-сон Фармониغا 1-илованинг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4158-сон Фармониغا илованинг 7-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

513 1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (кейинги ўринларда — Минск Конвенцияси) ва 2002 йил 7 октябрда Кишинев шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғри-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

сидаги Конвенция (кейинги ўринларда — Кишинев Конвенцияси) коидаларидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларининг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан:

2019 йил 26 августдаги ЎРҚ–554-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Кишинев Конвенциясига қўшилишга қўшилганлиги;

2019 йил 13 декабрдаги ЎРҚ–593-сон Қонуни билан Минск Конвенциясига доир Баённоманинг (Москва, 1997 йил 28 март) ратификация қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Минск Конвенцияси, унга доир Баённома (Москва, 1997 йил 28 март) ва Кишинев Конвенциясига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан мазкур қарорнинг иловаларида назарда тутилган масалалар бўйича ҳамкорлик бевосита ушбу иловаларда кўрсатилган республика органлари (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) ёки уларнинг ҳудудий органлари ёхуд тасарруфидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

ваколатли органлар томонидан уларнинг марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари ёки ҳудудий органлари ёхуд тасарруфидаги ташкилотларини (кейинги ўринларда — таркибий бўлинмалар) Минск Конвенцияси ва Кишинев Конвенцияси бўйича бевосита ҳамкорликни амалга оширишга масъул этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда уч кундан кечикмасдан Ташқи ишлар вазирлигига бу ҳақда хабар берилади;

ваколатли органларнинг Минск Конвенцияси ва Кишинев Конвенцияси бўйича ҳамкорликни амалга оширишга масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмаларининг ушбу органлар раҳбарияти томонидан жиддий заруратсиз алмаштирилишига йўл қўйилмайди;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар Минск Конвенцияси ва Кишинев Конвенцияси доирасида сўровларни кўриб чиқиш (ижро этиш) ва юборишда ваколатли органлар ҳамда уларнинг масъул таркибий бўлинмаларига тегишли маълумотларни тақдим этишда амалий ёрдам кўрсатади;

мазкур қарорнинг иловаларида назарда тутилган масалалар ваколатли

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

органларнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколат доирасига таъсир этмайди;

ваколатли органларнинг раҳбарлари Минск Конвенцияси ва Кишинев Конвенциясидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларининг самарали бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Ваколатли органлар:

икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг иловаларида назарда тутилган ўзларига бириктирилган ҳар бир масала бўйича ҳамкорликни амалга оширишга масъул таркибий бўлинмалар рўйхатини тасдиқласин ҳамда улар билан алоқага чиқиш учун зарур маълумотларни илова қилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этсин;

келгусида ушбу рўйхатга киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида Ташқи ишлар вазирлигини белгиланган муддатда хабардор қилиб борсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камиров) бир ой муддатда ваколатли органлар ва уларнинг масъул таркибий бўлинмалари якуний рўйхатини шакллантирсин ҳамда ваколатли органлар ҳақидаги хабарномаларни конвенциялар депозитарийларига юборсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ваколатли органлар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 ноябрь,
ПҚ-4895-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**514 Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати 330 дан ортиқ гидрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини олиб борувчи пунктларни бирлаштириб, улар ёрдамида 240 турдан ортиқ прогностик, сунъий йўлдошлардан олинган, таҳлилий, ихтисослаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик махсулотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, саноат, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир этувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмаганлиги, гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепцияси мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермаслиги, гидрометеорологик кузатув тармоғининг ривожланмаганлиги, шунингдек, бошқарув ва прогнозлар тайёрлаш жараёнларининг ортиқча марказлаштирилганлиги, ходимлар етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги юқланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминламаяпти.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий маълумотлар билан таъминлаш ва мониторинг юритиш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, гидрометеорологик ахборотни олиш, тўплаш ва тарқатишда замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

б) 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази қузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш бўйича дастур (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Дастур 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — Ўзгидромет) учун назарда тутилган Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзгидромет Марказий Осиё давлатлари учун Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ихтисослаштирилган метеорология маркази, шунингдек, Жаҳон метеорология ташкилоти Жаҳон об-ҳаво хизматининг гидрометеорологик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тарқатиш бўйича Минтақавий телекоммуникация маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзгидромет ҳузуридаги «Метеоинфосистем» ахборот-техник бошқармаси негизида «Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Метеоинфоком) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Метеоинфоком ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилади;

Метеоинфокомни жорий сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимлари меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг Тошкент гидрометеорология коллежи негизида Тошкент гидрометеорология техникумини (кейинги ўринларда — Техникум) ташкил этиш ва уни Ўзгидромет тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Техникум гидрометеорология соҳасида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ўқув муассасаси, метеорология, гидрология, гидрометеорологияда алоқа ва коммуникациялар соҳасида касб-ҳунар таълими бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул этиб белгилансин.

Белгилансинки:

Техникумда кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

Техникумнинг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Техникум Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ўқув маркази функцияларини бажариши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидрометда гидрометеорология, хавфли гидрометеорологик ходисалардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш, авиацияга метеорологик хизмат кўрсатиш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг Тошкент гидрометеорология техникумида дастур асосида малакасини ошириш тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Т.А. Худайбергенов), Мудофаа вазирлиги (Б.Н. Қурбонов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) бир ой муддатда ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзгидрометнинг «Гидрометприбор» илмий-ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзгидромет тузилмасида:

Ўзгидромет ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Бош директорнинг ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Бош директорнинг молия-хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилсин;

Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаси ташкил этилсин.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ташкилий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази марказий аппаратининг тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаларининг намунавий тузилмаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзгидромет бош директорига, зарур ҳолларда, марказий аппарат, унинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бошқармалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларининг лавозим маошларини ҳисоблашда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлари учун белгиланган тариф коэффициенти икки баравар оширилган ҳолда қўлланилсин;

б) Ўзгидромет ва Метеоинфоком ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун қуйидаги миқдорда ойлик устама ҳақ тўлансин (белги-

* 4 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффицентларда):

2 йилдан 5 йилгача — 0,2; 5 йилдан 10 йилгача — 0,3; 10 йилдан 15 йилгача — 0,4; 15 йилдан 20 йилгача — 0,5; 20 йилдан 25 йилгача — 0,6; 25 йилдан ортиқ — 0,7.

Бунда, соҳада узоқ муддат хизмат қилганлик учун иш ҳақига устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзгидромет ва унинг тизим ташкилотларидаги иш стажини инобатга олинади.

Белгилансинки, ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган гидрометеорология фаолияти бўйича илмий лойиҳаларни шакллантириш орқали илмий-тадқиқот ишланмаларини молиялаштиришни таъминласин.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан 2021 — 2023 йилларда ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзгидрометнинг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси 2021 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Ўзгидрометнинг салоҳиятли ходимларини етакчи хорижий таълим, илмий ва ихтисослаштирилган муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташини ташкил этсин.

13. Ўзгидромет (Ш.Х. Ҳабибуллаев):

а) гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси ва Париж битими доирасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ш.М. Қодиров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) билан биргаликда икки ой муддатда гидрометеорология фаолиятида сунъий йўлдош ва ерни масофадан

зондлаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишнинг ягона телекоммуникация тармоғини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикасида авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида халқаро меъёрий ҳужжатлар қоидалари ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти билан ҳамкорликни таъминласин;

г) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Россия давлат гидрометеорология университети ва бошқа хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кўшма таълим дастурлари бўйича гидрометеорология йўналишида кадрлар тайёрлашни ташкил этсин;

д) хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноз қилиш, кузатиш, улар содир бўлиши хавфи юқори бўлган минтақалар ва ҳудудларни аниқлаш, тегишли профилактик тадбирларни амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар беришни таъминласин, шунингдек, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимидаги хизматларга тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб борсин;

е) қуйидагиларни:

уч ой муддатда атроф табиий муҳит мониторинги таҳлил лабораторияларининг моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш, шунингдек, таҳлилларни амалга ошириш учун зарур бўлган кимёвий реактивлар, синов газлари, прекурсорлар ва бошқа сарфлаш материаллари билан уларни таъминлаш бўйича таклифларни;

2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда Концепцияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини;

2021 йил 1 февралга қадар гидрометеорология фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига рухсат бериш ва маълумот алмашиниш тартибини;

2021 йил 1 мартга қадар халқаро молия институтлари ва фондларнинг гидрометеорология ва атроф табиий муҳит мониторингини такомиллаштиришга йўналтирилган техник кўмак лойиҳалари дастурини;

«Гидрометеорология фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог» унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) билан биргаликда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширишда инвесторларга шартнома асосида метеорологик ва гидрологик маълумотларни тақдим этишни ташкил этсин;

з) Энергетика вазирлигининг буюртмасига биноан, шартномалар асосида, янги қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган ҳудудларда тегишли ўрганиш ва тадқиқотларни амалга оширсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 8 — 80-иловаларга* мувофиқ Ўзгидромет буюртмалари бўйича Дастурда назарда тутилган янги очилаётган гидрометеорология станциялари ва постлари учун ер участкалари (суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бино-иншоотлар қурилишини таъминласин.

15. Ўзгидромет (Ш.Х. Ҳабибуллаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) билан биргаликда 9-иловага* мувофиқ соҳаларга жалб этиладиган халқаро молия ташкилотлари грантлари ҳисобига мавжуд ва янги очилаётган метеорология, гидрология ва агрометеорология станциялари ва постларини автоматик қурилмалар билан жиҳозлашни ҳамда ходимларнинг малакасини оширишни таъминласин.

16. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров) Ўзгидромет (Ш.Х. Ҳабибуллаев) ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда гидрометеорологик маълумотлар асосида чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш ишларини самарали ташкил этсин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) Ўзгидромет (Ш.Х. Ҳабибуллаев) билан биргаликда сув захиралари ва ресурсларини назорат қилиш, сув ресурслари бўйича прогнозлар ишончилигини ошириш бўйича тезкор гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиб боришни таъминласин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) Ўзгидрометда маълумотларни узатиш ягона корпоратив тизимини ташкил этиш орқали гидрометеорологик ахборот ва сунъий йўлдош маълумотлари ягона телекоммуникация тармоғини яратишни таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И. Максудов), Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) ва Транспорт вазирлигининг (И.Р. Махкамов) Ўзгидромет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, гидрометеорологик инфратузилмани янгилаш ҳамда соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида ушбу қарорнинг 10-иловасига* мувофиқ маблағларни бир ой муддатда кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўлов сифатида Ўзгидрометга ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Белгилансинки, Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва маълумотлар шартнома асосида тақдим этилади.

Ўзгидромет Бош директориға (Ш.Х. Ҳабибуллаев):

Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзгидромет томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, об-ҳаво прогнозларининг аниқлигини ошириш ҳамда соҳа инфратузилмасини янгилашга етар-

* 8 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лича шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўрсатилаётган барча хизмат тарифларини тасдиқлаш;

гидрометеорология соҳасидаги хорижий илғор тажрибасини татбиқ этиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари битирувчиларини ва маҳаллий мутахассисларни белгиланган штат бирликлари доирасида шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Малакали мутахассислар ва Ўзгидромет ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган миқдордаги иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзгидрометнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

21. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомни;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти тузилмасини;

Тошкент гидрометеорология техникумида Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзгидромет ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

Ўзгидромет томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

22. Қўйидагилар:

а) Бош вазирнинг маслаҳатчиси О.М. Умаров:

мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, масъул вазирлик ҳамда идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

«Йўл харитаси» ва Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштиришга;

мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришишни таъминлаш юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириб боришга;

амалга оширилган ишлар бўйича масъулларнинг ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиб боришга;

юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб боришга;

б) молия вазири Т.А. Ишметов:

зарур маблағлар ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишига;

бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга;

в) Ўзгидромет бош директори Ш.Х. Ҳабибуллаев:

«Йўл харитаси» ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

гидрометеорология хизматларини кўрсатиш фаолиятига интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва бошқа дастурий махсулотларни жорий этишга;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантиришга;

г) тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси» ва Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзгидрометнинг ҳудудий бошқармаларини ривожлантириш дастурларини бажаришга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3029-сон қарори 4-бандининг олтинчи хатбошиси ҳамда қарорга 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. Ўзгидромет манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 ноябрь,
ПҚ-4896-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги
ПҚ-4896-сон қарорига
1-ИЛОВА

2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ва гидрометеорологик фаолиятни такомиллаштиришнинг концептуал ёндашувини белгилаш мақсадларида ишлаб чиқилди.

2. Концепция гидрометеорология фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишларини, фан ва техника ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосидаги устувор тадбирларни белгилайди.

2-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

3. Концепциянинг асосий мақсади миллий гидрометеорология хизмати вазифаларини жаҳон стандартлари даражасида бажарилишини таъминловчи юқори самарали инновацион хизматга айлантиришдан иборат.

4. Гидрометеорология хизматини ривожлантириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, кузатиш тизимларининг фаолият кўрсатиши, маълумотларни тақдим этиш шакли, мазмуни ва муддатларини шакллантириш талабларини белгилаш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш;

кузатув тармоғи зичлигини ошириш ҳамда ўлчов воситалари ва замонавий усулларини татбиқ этиш орқали кузатув тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш;

гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

гидрометеорология хизмати соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этиш;

маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тақдим этишнинг замонавий воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда кузатув тармоғидан олинган ахборот ресурслари интеграциясини таъминлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

иқлимга боғлиқ табиий офатлар, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш чоралари тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш.

3-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

5. Концепция қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутати:
гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш;

гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизациялаш;

гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

гидрометеорология фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш.

6. Гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш доирасида қўйидагилар белгиланади:

гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган «Гидрометеорология фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган гидрометеоролог» унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш;

гидрометеорология фаолиятининг турли хил шаклларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

гидрометеорология соҳасидаги давлат стандартлари ва техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

гидрометеорология соҳасидаги халқаро ва давлатлараро стандартларни татбиқ этиш ва уйғунлаштириш.

7. Гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизациялаш доирасида қўйидагилар назарда тутилади:

илғор инфор­мацион технологиялар, замонавий кузатув воситалари, таҳлилий асбоб-ускуналар, қурилмалар ва барқарор алоқа тизимларини жорий этиш орқали кузатув тармоғини техник қайта жиҳозлаш, жумладан, гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик станциялари ва постлари сонини амалдаги 335 тадан 397 тагача орттириш, автоматлаштирилган метеорологик станциялар улушини 14 фоиздан

100 фоизга, қор кўчки станциялар ва агрометеорологик постлар улуши-ни 100 фоизга етказиш;

ер усти кузатувлари маълумотларини комплекс таҳлил қилиш, масо-фадан зондлаш ва замонавий математик моделлаштириш усуллари асосида барча фаолият турлари, шу жумладан, метеорология, агрометеорология, гидрология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бўйича тез-кор мониторинг интеллектуал тизимини яратиш;

атмосферани масофадан ва радиолокацион зондлаш замонавий восита-ларини, жумладан, қўшимча 4 та метеорологик локаторларни ўрнатиш, иқтисодиётнинг об-ҳавога боғлиқ тармоқлари фаолияти ва аҳоли хавфсиз-лигини таъминлаш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳуду-дини тўлиқ қамраб олувчи ер усти метеорологик радиолокаторлар ягона тармоғига бирлаштириш;

турли муддатли гидрометеорологик прогнозлашнинг инновацион ус-лубларини жорий этиш, турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозларининг ишончлилигини ошириш, жумладан суткалик 92 фоиздан 95 фоизга, 2-3 суткалик 90 фоиздан 92 фоизга, 4-5 суткалик 88 фоиздан 90 фоизга ошириш;

сунъий йўлдош маълумотлари ҳамда масофавий зондлаш орқали олин-ган маълумотлар асосида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида эрта огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорологик маълумотлар тақдим этиш сифатини тубдан яхши-лаш, гидрометеорология хизмати тизимида ахборот технологиялари ва за-монавий дастурий маҳсулотларни кенг жорий этиш;

гидрометеорологик ахборотлар ва атроф табиий муҳит ифлослани-ши ҳолати тўғрисида маълумотлар ягона электрон фондини шаклланти-риш;

гидрометеорология хизмати ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулот-ларини рақамли иқтисодиётга интеграциялаш, давлат органлари билан са-марали ахборот ҳамкорлигини ташкил этиш;

атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги ахборот тизимини та-комиллаштириш ва атроф табиий муҳит ифлосланиши ҳақидаги маълумот-ларни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида атроф табиий муҳит ифлослани-ши мониторингининг янги усуллари ривожлантириш ва татбиқ этиш, замонавий автоматик ўлчов воситаларини ўрнатиш;

гидрометеорология хизмати рақамли ва телекоммуникация инфратузил-масининг технологик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирла-рини амалга ошириш.

8. Гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ахборот маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда миллий гидрометеорология хизмати фаолиятига гидрометеорологик ва иқлимий хизмат кўрсатишнинг халқаро моделларини интеграциялаш, шунингдек, турли гидрометеорологик маълумотлар кўрсаткичлари/мезонларни яхшилаш;

авиаметеорология бўлинмаларида Жаҳон метеорология ташкилоти ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти стандартлари асосида сифат менежменти тизимини такомиллаштириш;

иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришлари, уларга мослашиш ва салбий оқибатларини юмшатиш тўғрисида ахборот маҳсулотларини яратиш орқали иқлимий хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

хавфларни олдиндан аниқлаш ва давлат органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини аввалдан хабардор қилишни таъминлайдиган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида барвақт огоҳлантириш тизимларини ривожлантириш, шунингдек, шторм огоҳлантиришларнинг оқланиш даражасини 92 фоиздан 95 фоизга етказиш;

туризм соҳаси самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган гидрометеорологик хизмат кўрсатиш, жумладан, биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон туристик салоҳияти картографик модели ва унинг мобил иловасини яратиш.

9. Гидрометеорология хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

илғор технологиялар, малакавий ва касбий тайёргарликка қўйиладиган талабларни эътиборга олган ҳолда кадрлар сиёсати тизимини, жумладан, кадрларни танлаш механизми, иш жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш;

«Гидрометеорология» йўналиши бўйича базавий олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш;

гидрометеорология хизмати ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларининг мақсадли сиртқи таълим олишини ташкил этиш;

Тошкент гидрометеорология коллежи негизида ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

гидрометеорология хизмати тизимидаги олий маълумотли мутахассислар улушини 23 фоиздан 35 фоизга етказиш;

юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда гидрометеорология хизмати ҳамда бошқа ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, масофавий таълим олиш технологияларини жорий этиш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва мослашиш, атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги ва рақамли технологиялар соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича стажировкалар ва семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш.

10. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

илмий-тадқиқот ишларини уларнинг натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига амалий ва мақсадли жорий этилишини ҳисобга олиб амалга ошириш;

гидрометеорология соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

кузатувлар ва гидрометеорологик маълумотларга ишлов бериш, хавф-

ли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи ва минтақавий иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришларини баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича инновацион илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий лабораториялари ва ноёб объектларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали босқичма-босқич модернизациялаш;

кузатувлар, гидрометеорологик маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни прогноزلашнинг илмий услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

минтақавий иқлимнинг эҳтимолий ўзгаришлари, уларнинг оқибатларини прогноزلаш, асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларига қаратган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларининг заифлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш;

гидрометеорологик, агрометеорологик кузатувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги пунктларининг мақбул жойлашувини белгиловчи ер усти кузатув пунктлари тармоғини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

халқаро тажриба ва инновацион ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот услубларини такомиллаштириш;

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтидаги илмий даражага эга илмий ходимлар улушини 47 фоиздан 65 фоизга етказиш.

11. Гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

тегишли халқаро мажбуриятлар, хусусан, Жаҳон метеорология ташкилоти Конвенцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси, Киото протоколи ва Париж битими, ЮНЕСКО Халқаро гидрология дастури, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгаши доирасидаги мажбуриятларни бажариш;

етакчи хорижий метеорология ва гидрология хизматлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ягона халқаро ва минтақавий гидрометеорологик кузатувлар ҳамда маълумот алмашиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳит мониторинги, илғор технологиялар билан алмашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

трансчегаравий ҳудудларда гидрометеорологик кузатув маълумотлари билан алмашиш соҳасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги техник кўмак лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро молиявий институтлар ва иқлимий молиялаштириш жамғармалари маблағларини жалб қилиш;

гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида хорижий турдош муассасалар билан тажриба алмашиш.

12. Гидрометеорология фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

гидрометеорологик маълумотлар ва кўрсатилаётган ихтисослаштирилган хизматлар рўйхатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида жойлаштириш учун умумий маълумотлар тўпламини кенгайтириш;

гидрометеорологик маълумотларни визуаллаштириш сифатини яхшилаш, Ўзгидромет расмий веб-сайтини янгилаш ва унинг мобил иловасини яратиш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, етакчи таълим ва илмий муассасалар ходимлари, гидрометеорология соҳасидаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари, экспертлик ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминловчи жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш;

«Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги» илмий журнали нашр этилишини ташкиллаштириш.

4-боб. Гидрометеорология хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга оширишдан кутилаётган натижалар

13. Концепциянинг асосий йўналишларини амалга ошириш миллий гидрометеорология хизматини замонавий жаҳон технологиялари даражасига олиб чиқишга имкон беради.

14. Концепцияни амалга оширишдан иловада белгиланган асосий кўрсаткичларга эришиш кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги
ПҚ-4896-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Гидрометеорология илмий-текшириш институти
томонидан 2021 — 2023 йиллар давомида ўтказиладиган
илмий-тадқиқот ишларининг
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Об-ҳаво прогнозининг COSMO-CA сонли модели маълумотлари асосида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (кучли шамол, жала ёмғирлари, сел тошқинлари) мониторинг тизими ва унинг мобил иловасини яратиш.

2. Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм ҳудудларида турпакетларни диверсификациялаш ҳамда Ўзбекистон туристик салоҳияти картографик модели ва унинг мобил иловасини яратиш.

3. Турли сатҳларда сув буғининг ҳаракатланишини ўрганиш асосида атмосфера дарёларининг Ўзбекистон ҳудудида шаклланидиган ёгингарчиликка таъсирини миқдорий баҳолаш учун дастурий маҳсулот яратиш.

4. Ўзбекистон Республикасида автоматлаштирилган метеорологик радиолокаторлар тармоғининг ягона ахборот тизимини яратиш.

5. Ўзбекистоннинг сувориладиган ҳудудларида кузги бўғдой маҳсулдорлигини диагнозлаш ва прогнозлашнинг тезкор моделини ишлаб чиқиш.

6. Масофавий зондлаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўсимлик қоплами ўзгаришини мониторинг қилиш бўйича автоматлаштирилган миллий дастурий маҳсулот яратиш.

7. Глобал иқлим ўзгариши шароитида тоғ музликлари массаси баланси ўзгаришининг мониторинг тизимини ва музликларнинг келажакдаги ҳолатини тавсифловчи сценарийларни ишлаб чиқиш.

8. Иқлим ўзгариши шароитида Чотқол ва Пском дарёлари сув ресурслари ўзгаришини гидроэнергетик нуктаи назардан прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш.

9. Дарёлар оқими узоқ муддатли прогнозлари сифатини ошириш учун математик моделлар, масофавий зондлаш ва ер усти кузатиш тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон тоғли ҳудудларида қор захиралари шаклланиши динамикасининг янги дастурий таъминотини яратиш.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари учун сел оқими хавфини олдиндан огоҳлантиришнинг интерактив онлайн тизимини яратиш.

11. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда шаклланидиган тоғ дарёларида сув камайишини прогнозлашнинг геоинформацион технологиясини яратиш.

12. Ўзбекистонда стабил изотоплардан фойдаланиб, сув ресурслари ва уларнинг ифлосланиши манбалари янги мониторинги тизими асосида дастур яратиш.

13. Айдар-Арнасой кўллар тизими гидрологик ва гидрокимёвий режими барқарорлигини таъминлаш мақсадида сув-туз баланси моделини яратиш.

14. Иқлим ва шаҳар инфратузилмасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифати мониторинг тизими учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш.

15. Иқлим ўзгариши шароитида Сурхондарё ва Қашқадарё хавзаси дарёлари оқимини узоқ муддатли прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

515 Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Нотариуслар томонидан автотототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Нотариуслар томонидан мол-мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ;

Нотариуслар томонидан ишончномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ;

Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришнинг маъмурий регламенти 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 ноябрь,
726-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга
ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент нотариус томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни (кўчмас мулкнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномалари ва бошқа шу каби битимларни) (кейинги ўринларда — битим) тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Нотариус томонидан битим нотариал идора биносида ёки мурожаат қилувчиларнинг талабига кўра сайёр тартибда расмийлаштирилади.

Битим нотариал идора биносидан ташқарида расмийлаштирилган тақдирда, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида битим расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва битимни расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Битимни расмийлаштириш жараёнини аудио ва видеога қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга ошириляётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб тарафларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — Тизим) сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видеога қайд этилиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (кейинги ўринларда — Қонун) 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлашти-

рилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар битим мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс таклиф этган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида ким томонидан таржима қилинганлиги, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган санаси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи ҳамда матн мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи биладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

4. Битимни тасдиқлаш ушбу Регламентга иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

5. Мурожаат қилувчи битимни расмийлаштириш учун нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилади ёки нотариус хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармоқ) рўйхатдан ўтади.

6. Нотариус Тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилган шахсларни қабул қилиши шарт.

7. Мурожаат қилувчи электрон тармоқ орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли битим лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

8. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

9. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда, тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлари уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мурожаат бўйича битим лойиҳаси нотариус томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилади.

10. Қўйидаги ҳолларда битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда, тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармоқ орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

солиқ ёки коммунал хизматлардан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — МИБ) маълумотлар базаси орқали қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса;

манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

3-боб. Мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

11. Мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси қабул қилади, нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаганда котиб ёки нотариус стажёри, улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади.

Бунда, нотариус ёрдамчиси (котиб ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига электрон навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

12. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қўйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; ҳарбий хизматчилар — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

13. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этган жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

14. Нотариусга мурожаат этган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса), аммо шу фуқаронинг муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.

Нотариус битимни расмийлаштиришда иштирок этувчи шахсларнинг босим ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш остида деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса) нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг ёзма розилигини талаб этади. Бунда, ҳомийнинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

15. Юридик шахслар иштирокидаги битимларни расмийлаштиришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

16. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколати текширилади.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

Нотариус таъсис ҳужжати бўйича битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарларидан битимлар ва бошқа ҳаракатларни бажариш учун ишончнома талаб қилмайди. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкилот) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончнома-нинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.

4-боб. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокида битимни тасдиқлаш тартиби

17. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимни унинг васийси амалга оширади.

Васийликдаги шахс номидан ҳаё шартномаси тузишга йўл қўйилмайди. Бу қоидалар ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимларга ҳам тегишлидир.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, битимни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай битимни тузишда ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади. Бунда ота-онанинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқати чекланган деб топилган фуқаро битимни ҳомийнинг ёзма розилиги билангина амалга оширади. Бунда ҳомийнинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда яшаш ва ҳ.к.) битимни тасдиқлашга розилик бера олмасалар, битим васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддаси талабларига риоя этилади.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбия-

лаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг руҳсати билан васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг руҳсати талаб этилади.

5-боб. Кар-соқовлик нуқсони ва кўзи ожиз бўлган шахслар иштирокида битимни тасдиқлаш тартиби

18. Битимни расмийлаштиришни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи офир, заиф эшитувчи), кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, битимни тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва битимнинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо ёки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи офир, заиф эшитувчи) фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлай олса, унда сурдо ёки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсони мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида битим матни ва тасдиқловчи ёзувида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи битимни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйлиши лозим.

Нотариус мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатни имзолаган фуқаронинг, сурдо ёки тифло таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаходатлашни алоҳида нотариал ҳаракат сифатида рўйхатга олмайди.

Бир шахс ҳужжатни имзоловчи фуқаро, сурдо ёки тифло таржимон сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишига йўл кўйилмайди.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси Қарлар жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи офир, заиф эшитувчи)

бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан битим мазмуни ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар битим билан бирга тикиб қўйилади.

Мазкур бандда белгиланган тартибда битимни имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли битимни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ёхуд тифло таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

6-боб. Битимни тасдиқлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

19. Битимни нотариал тасдиқлашда нотариус мулклар мулкдорга тегишлилигини текширади.

20. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

нотариал тасдиқланган шартномалар (келишувлар);

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома;

суд қарори (ҳал қилув қарори, ажрим ва бошқалар) ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси; кўчмас мулк ёки унинг бир қисми аукционда (ким ошди савдосида) сотиб олинганлигини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома; қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;

қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) кўчирма;

кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома;

хусусийлаштирилган давлат биноти, иншооти, турар жойига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

21. Қўйидаги ҳолларда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари нотариал идорада қолдирилмайди:

агар мулкдор ўзига қарашли кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини тўла тасарруф этмаган тақдирда, шунингдек, мулкдорлар кўчмас мулкнинг бир қисмини (умумий ҳужжат асосида тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини улардан бири ўзига тегишли улушини ёки улушидан бир қисмини) тасарруф этиш тўғрисидаги битимлар тасдиқланганда;

умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг аниқ қисмини белгилаш, ўзгартириш ёки улар ўртасида кўчмас мулк ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги шартномалар тасдиқланганда;

мулквий муносабатлар билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун нотариус томонидан талаб қилиб олинган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларнинг, улар вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (аниқ битимни тузиш учун берилган ишончномалардан ташқари) асл нусхалари нотариал идорада олиб қолинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари уларга нотариуснинг «аслига тўғри» деган устхати ёзилиб, олиб қолинади.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида келтирилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органнинг ер участкасининг майдони ёки кўчмас мулк ёки унинг бир қисми миқдори тўғрисидаги маълумотлари ўртасида фарқ мавжуд бўлса, кўчмас мулк ёки унинг бир қисмига ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлар нотариал идорада қолдирилади.

22. Битим расмийлаштирилаётганида, мазкур Регламентнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, қўйидаги ҳужжатлар нотариус томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан Тизим орқали автоматик тарзда ёки курьерлик хизматидан фойдаланган ҳолда олинади:

коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномалари бундан мустасно);

МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодга эга бўлган текшириш

натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли хужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади;

кадастр маълумотномаси;

солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома;

турар жойда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган шахслар ҳақидаги ички ишлар органининг маълумотномаси;

кўчмас мулк ёки унинг бир қисми гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги.

23. Битимда ер участкасининг ёки кўчмас мулкнинг ёхуд унинг бир қисмининг ҳақиқий майдони ҳақидаги маълумотлар кадастр маълумотномаси ва мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатдаги маълумотлар асосида ёзилади.

Кадастр маълумотномасида кўрсатилган ер участкасининг ёки кўчмас мулкнинг ёхуд унинг бир қисмининг ҳақиқий майдони мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатда кўрсатилганидан кўп бўлса, шунингдек, кўчмас мулкнинг ёки унинг бир қисмининг мулкдори устки қават қурган, қўшимча иморат қурган ёки яшаш хонаси бўлмаган қисмини қайта таъмирлаб, яшаш хонасига ўзгартирган бўлса ёки бошқача тарзда ўзгартирган бўлса, нотариус туман (шаҳар) ҳокимининг бу ўзгаришлар тўғрисида қарори ва уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарорини тақдим этишни талаб қилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг бундай қарори бўлмаганда, ер участкасининг майдони ёки уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг майдони мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжат бўйича кўрсатилади.

Кадастр маълумотномасида кўрсатилган ер участкасининг ёки уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг ҳақиқий майдони мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатда кўрсатилганидан кам бўлса, бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда уларнинг майдони кадастр маълумотномаси бўйича кўрсатилади.

24. Кўчмас мулк ёки унинг бир қисми мулкдори томонидан ушбу мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимда унинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартиби кўрсатилиши мумкин.

Умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг ўзига тегишли улушини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим матнида ушбу мулкнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартибини фақатгина қуйидаги ҳолларда кўрсатиб ўтиши мумкин:

умумий улушли мулкнинг иштирокчилари ўртасида фойдаланиш тартиби ҳақида тегишли битим мавжуд бўлганда;

суднинг мулкнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги суд хужжати мавжуд бўлганда.

Нотариус битим матнида ушбу кўчмас мулк ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш тартиби ана шу улушни сотиб олаётган шахс учун ҳам мажбурий эканлигини тушунтиради.

Умумий улушли мулк иштирокчилари ўртасида умумий мулкдаги кўчмас мулк ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги келишув ушбу мулкнинг аниқ қисмларидан (квартиралар, хоналар, қаватлар ва шу кабилардан) фойдаланиш тартиби кўрсатилган ҳолда алоҳида битим тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай битимларни тасдиқлашда кадастр маълумотномаси талаб қилинади.

Битим тарафларига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 221-моддаси тушунтирилиб, бу ҳақда битимнинг матнида ёзилади.

Мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат кўздан кечириш учун талаб қилинади ва унинг нусхасига нотариуснинг «аслига тўғри» деган устхати ёзилиб, олиб қолинади, асл нусхаси қайтарилади.

25. Улушларнинг миқдорини белгилаш ҳақидаги ёки улушларнинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги келишув, агар кўчмас мулк ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатда улушларнинг миқдори кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса, асосий битимга қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин.

Агар улушлар миқдорининг ўзгартирилиши умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири томонидан қўшимча қурилиш (ёнма-ён иморат қуриш, бино устига қават қуриш ва шу кабилар) ёки кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини бузиш йўли билан амалга оширилган бўлса, нотариус туман (шаҳар) маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бу ўзгаришлар тўғрисида рухсатномасини ёки кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасини, шунингдек, кадастр маълумотномасини талаб қилади. Мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат текширилиб, умумий улушли мулк иштирокчисига қайтариб берилади.

Кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг умумий улушли мулкка эга бўлган иштирокчиларидан ҳар бирининг улушлари миқдорини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат (ҳужжатлар) нусхаси нотариал идорада қолдирилади, асл нусхаси (нусхалари) эса, умумий улушли мулк иштирокчиларига қайтарилади.

26. Қуриб битказилмаган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

кадастр маълумотномаси;

давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Реестрдан кўчирма ёки гувоҳнома;

қурилиши тугалланмаган объектга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Реестрдан кўчирма.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотномалар нотариус томонидан курьерлик хизматидан фойдаланган ҳолда ёки идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан Тизим орқали автоматик тарзда олинади.

27. Нотариус уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини умр-

бод таъминлаш шарти билан бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлашда, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидаларига риоя қилади.

Ушбу шартномани тасдиқлаш пайтида уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга берувчи шахснинг меҳнатга лаёқатлилиги (ёши ёки соғлиғи бўйича) текширилиб, бу ҳақда шартнома матнида кўрсатилиши лозим. Мазкур шартномада уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга берувчига моддий таъминотнинг қандай турлари берилиши, уларни ҳар ойдаги пуллик баҳоси ва уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг қиймати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Бошқа шахсга ўтказилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва моддий таъминотнинг қиймати тарафлар келишувига биноан белгиланади.

Шахс вояга етмаган бўлса, у уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини умрбод таъминлаш шарти билан бошқа шахсга берувчи бўла олмайди.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530 — 534-моддалари талаблари асосида амалга оширилиши ва уларнинг мазмуни тушунтирилганлиги шартномада кўрсатиб ўтилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини мулк қилиб бериш мажбуриятини олган шахснинг вафотига ёки ушбу шартнома бекор қилингунга қадар нотариус томонидан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига тақиқ қўйилади.

28. Мулк ҳуқуқи асосида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг давлат ташкилотлари томонидан сотиб олинишида, юқори ташкилотларининг кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини сотиб олишга рухсати бўлган тақдирда, олди-сотди шартномалари тасдиқланади.

29. Юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлаш мазкур Регламентнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

юридик шахс ваколатли органининг тегишли қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.);

тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция, тўлов топшириқномаси, мемориал ордер, кирим ва чиқим касса тўлов ҳужжатлари, тўлов мажбурияти кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

Юридик шахсга тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини

бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги юридик шахс кузатув кенгашининг қарори тақдим этилган тақдирда, кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг қолдиқ баланс қиймати ҳақида юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзоси қўйилган маълумотнома ҳамда юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумот ҳам талаб этилади.

30. Бюджет ташкилотларининг бинолари ва иншоотлари (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотлари) ҳамда бошқа асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида аукцион савдоларда сотилади.

31. Хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашда мазкур Регламентнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига мулк ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси ёхуд маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1989 йил 21 июндаги 203-сон қарорига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг олди-сотди, ҳада шартномалари;

ойланинг биргаликда яшовчи барча вояга етган аъзоларининг розилиги;

уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг хусусийлаштирилишига розилик берган (вафот этган шахслар бундан мустасно) шахсларнинг нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан ёзма розилиги (агар хусусийлаштириш «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингунига қадар амалга оширилган бўлса, бундай розилик талаб этилмайди);

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан) олинган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар вафот этган тақдирда уларнинг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки далолатнома ёзувидан кўчирмаси (нусхаси олиб қолиниб, асли қайтариб берилади).

Мазкур банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган маълумотнома нотариус томонидан курьерлик хизматидан фойдаланган ҳолда ёки идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан Тизим орқали автоматик тарзда олинади.

32. Кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини олувчи тараф чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлганда, кўчмас мулк ёки унинг

бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш гувоҳномаси тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонининг 6-иловасида кўрсатилган хорижий мамлакатлар фуқаролари:

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида — 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида — 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди.

33. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимлар ва кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш шартномалари қуйидаги ҳолларда нотариал тасдиқланади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган бўлса;

Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасидаги Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхатининг (кейинги ўринларда — Рўйхат) 2, 3, 6 ва 7-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ва ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда — М ва ФРБ) доимий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса. Бунда, нотариус:

Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий рўйхатдан ўтган шахснинг яшаш гувоҳномасига доимий прописка штампи қўйилганлигига уч йил тўлганлигини;

Рўйхатнинг 6-банди асосида доимий рўйхатдан ўтган шахс томонидан камида уч йил лавозимда бўлганлиги муносабати билан кўчмас мулк сотиб олинаётган бўлса, ушбу шахснинг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорининг 1-иловасида кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг маълумотномалари асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил лавозимда бўлганлигини текширади.

34. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Тошкент вилоятида жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимлар ва кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш шартномалари қўйидаги ҳолларда нотариал тасдиқланади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган бўлса;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Рўйхатнинг 2, 3, 6 ва 7-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ва МваФРБнинг доимий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса. Бунда, нотариус:

Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий рўйхатдан ўтган шахснинг яшаш гувоҳномасига доимий прописка штампи қўйилганлигига уч йил тўлганлигини;

Рўйхатнинг 6-банди асосида доимий прописка қилинган шахс томонидан камида уч йил лавозимда бўлганлиги муносабати билан кўчмас мулк сотиб олинаётган бўлса, ушбу шахснинг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорининг 1-илоvasида кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг маълумотномалари асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил лавозимда бўлганлигини текширади.

35. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган кўчмас мулкни сотиб олиш битимларини нотариал тасдиқлаш ушбу шахслар томонидан янги қурилган нархи шартнома тузилган санадаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 300 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга оширган ҳолда сотиб олганда амалга оширилади.

Бунда, янги қурилган кўчмас мол-мулк деганда, мулк ҳуқуқи (туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони ва иншоотни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори ёки қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосида) вужудга келган пайтдан эътиборан уч йил ўтмаган кўп қаватли турар жой бинолари, қурилиш дастурлари доирасида намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уй-жойлар (жисмоний шахслар томонидан қурилган якка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкасига эга бўлган дипломатик корпус ходимлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг доимий ваколатхоналари ходимлари бўлган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан уй-жой сотиб олишлари мумкин.

Дипломатик ваколатхонани ва ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштириш учун кўчмас мулкни сотиб олиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисидаги низомга мувофиқ бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюросини олдиндан хабардор қилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

36. Эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузиш учун хотиннинг (эрнинг) нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган ёзма розилиги олиниши лозим.

Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказаетган фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева эканлиги ёки бўйдоқ) ҳақида ёзма ариза тақдим этганда, нотариус битимнинг иккинчи тарафини ариза билан таништиради ва ҳуқуқий оқибатини тушунтиради. Иккинчи тараф аризага фамилияси, исми, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди. Ушбу ҳолатни аниқлашда нотариусга тегишли равишда қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади: ушбу Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган фуқаронинг шахсини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлардан бири, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд далолатнома ёзувларидан кўчирмалар. Ушбу ариза кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказаетган фуқаронинг шахсан ўзи томонидан берилади, битим вакил орқали тузилган тақдирда эса — у томонидан ишончнома берувчининг эри ёки хотини йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда вакилдан бундай ариза олинади.

Эр ёки хотиндан бири вафот этганда уларнинг никоҳи давомида орттирилган умумий биргаликдаги мол-мулкига нисбатан ворислик қоидалари қўлланилади.

Эр (хотин)ни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида суд ҳужжати мавжуд бўлган ҳолларда нотариус битимни тасдиқлаши мумкин. Бу ҳолда нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 35-моддаси мазмунини битим матнида кўрсатиб ўтиши ва тарафларга ҳуқуқий оқибатини тушунтириши лозим.

Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳада шартномаси бўйича олинган, шунингдек, никоҳ давомида сотиб олинган кўчмас мулк никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишув мавжуд бўлса битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

Нотариус қонунга мувофиқ, эр ва хотиннинг ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бири-

нинг мол-мулки суд томонидан уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириши лозим.

37. Нотариуслар томонидан битимни тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

38. Тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлигига шубҳа туғилса, нотариус бу ҳужжатни олиб қолиб, уни экспертизага юборишга ҳақлидир.

Нотариус ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва унда қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи, ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжат ким томонидан тақдим этилганлиги (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс бўлса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИР, ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар, ҳужжат экспертиза қилиниши учун қаерга (қайси экспертиза муассасасига) юборилаётганлиги ва экспертиза ҳал этиши учун қўйилаётган саволлар кўрсатилади.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра нотариал тасдиқлаб берилган ҳужжатнинг барча нусхаларига унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки унинг аниқ арифметик хатоларинигина тузатиши мумкин.

39. Нотариус амалга оширилаётган битимнинг ўзи ёки бошқа нотариал идора томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг кечиктирилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги ҳақидаги маълумотларни Тизим орқали текширади.

40. Битимни тасдиқлашда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлиги Тизим орқали текширилади. Бунда, мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

Жисмоний ва юридик шахснинг талабига кўра унга тегишли мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақида маълумотнома белгиланган миқдордаги тўлов ундирилгандан сўнг берилади.

7-боб. Битим лойиҳасини тайёрлаш тартиби

41. Мазкур Регламентнинг 20 — 40-бандларида келтирилган тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олинган ва маълумотлар текширилганидан сўнг

нотариус, нотариус ёрдамчиси, стажёри ёки котиби томонидан битим лойиҳаси тайёрланади.

Битим лойиҳаси жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мустақил тайёрланган ва нотариусга тақдим этилган ҳолларда эса — нотариус битим лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган битимларнинг лойиҳалари ёки нотариал идорада тайёрландиган битимларнинг лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

Битим лойиҳаси нотариал идорада тайёрланган ҳолларда тарафларнинг хоҳишига қараб битим матни ўзгартирилиши ёки унга қўшимчалар киритилиши мумкин.

42. Битим матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, ҳужжатнинг матнида баҳолар кўрсатилса, рақам ҳамда сўз билан ёзилиши, юридик шахсларнинг номлари эса — уларнинг органлари жойлашган ерларини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса банкдаги ҳисобварақ ва солиқ тўловчининг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — СТИР) кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, СТИРи тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

Бунда, битимнинг мазмуни Тизимга аниқ ва тўлиқ киритилиши ҳамда тарафларга тушунтирилиши лозим.

43. Битимнинг матнида (тегишлилигига қараб):

у қандай битим эканлиги (битимнинг номи);

битим имзоланган сана сўзлар билан қайд қилиниши;

битим тасдиқланган нотариал идоранинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми;

тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, битим тарафларидан бири чет эл фуқароси бўлса, унинг фуқаролиги;

битимда юридик шахс иштирок этаётган ҳолларда юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИРи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;

битим предмети, унинг таркиби ва тавсифи;

битим предмети қайси ҳужжатга асосан тегишли эканлиги ва бу ҳужжатларнинг ким томонидан ва қачон берилганлиги ёки тасдиқланганлиги;

битим предмети бошқа шахсга ўтказилиши тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги (Тизим орқали чиқарилган маълумотнома рақами);

битим предметининг кадастр қиймати (агар мавжуд бўлса) ва тарафлар томонидан келишилган баҳо;

битим предмети учун ҳақ тўлашнинг шакли ва зарур ҳолларда муддатлари;

битим предметига нисбатан уни олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши;

битим предметига нисбатан мажбуриятларни олувчига ўтиши ёки бошқа ҳолатлар;

тарафларнинг ўзаро келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўтиши ҳақидаги бошқа шартлар;

битим предмети уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўлганида, мазкур уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолувчи шахслар рўйхати (олди-сотди, айирбошлаш шартномаларида);

битим предметига нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши муносабати билан қонун ҳужжатлари талаблари тушунтирилганлиги, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги (давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мулклар бўйича);

битим неча нусхада тузилганлиги;

битимнинг мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан тушунтирилганлиги, битим матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва тарафларнинг асл мақсадига мувофиқ келиши ўз аксини топиши керак.

Битимни тасдиқловчи ёзувда гербли (махсус) бланканинг (бланкаларнинг) серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилиши лозим.

44. Битим Тизимга киритилади ҳамда ҳар бир битим алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади ва нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатни тасдиқловчи ёзувда кўрсатилади.

Тизимдаги тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

45. Битимни расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт.

8-боб. Битим юзасидан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

46. Қўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда тарафлар ўзаро ҳисоб-китобларни исталган шаклда (нақд пул ёки нақд пулсиз) амалга ошириши мумкин.

47. Қўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда тарафлар ихтиёрий тарзда ўзаро ҳисоб-китобларни банк хизматларидан ёки нотариуснинг депозит ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Бунда, нотариус сотиб олувчи тарафдан сотувчининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилганлиги ёки нотариуснинг депозит ҳисобварағида сақланаётганлиги ҳақидаги тегишли банкнинг маълумотномасини талаб қилади. Мазкур маълумотномалар ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

48. Битим тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятларини кечиктириш шarti билан тузилган тақдирда, ушбу битимни тасдиқлаган нотариус томонидан мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилади ва бу ҳақидаги маълумотлар Тизимга киритилади.

Бунда, мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга қўйилган тақиқ кўчмас мулк учун шартномада назарда тутилган пул маблағлари сотувчининг банк ҳисобварағига тўлиқ ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда бекор қилинади.

Агар тўлов мажбуриятларини кечиктириш муддати тугагандан сўнг тўлов амалга оширилса, нотариус сотиб олувчидан сотувчи томонидан берилган мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхатни талаб этади.

9-боб. Битимни тасдиқлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

49. Битимни тасдиқлашда нотариус томонидан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундирилади.

Битим гербли махсус бланкада чоп этилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йиғими ундирилади.

Тасдиқланаётган битим, шу жумладан, битимни тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Битим лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун тақдим этилгандан кейин Тизим орқали тўлов квитанциялари (инвойс) битимни тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Битим тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг тасдиқланади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот (инвойс) Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Битим давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи яқин қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг ксероноусхаси олиб қолинади.

10-боб. Битимни тарафлар томонидан имзолаш тартиби

50. Тўловлар амалга оширилиб, битим лойиҳаси тўлиқ тайёр бўлгандан сўнг, тарафлар битимни имзолаш учун нотариус ҳузурига бир вақтда таклиф этилади.

51. Битим лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун тақдим этилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли битимни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

52. Битимнинг барча нусхаларини тарафлар (уларнинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийси) фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзиб, нотариус иштирокида шахсан имзолайдилар.

Агар фуқаро жисмоний нуқсонли, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битимни ўз қўли билан имзолай олмаса, битимни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим. Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилади.

Фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битимни ўз қўли билан имзолай олмаганида, битимни унинг топшириғига кўра имзолаган фуқаро, ҳужжатни таржима қилиб берган таржимон (сурдо ёки тифло таржимон) ва бошқалар ҳам ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади.

53. Тарафларнинг камида иккита бармоқлари излари махсус мосламаларда сканер қилинади.

Агар мурожаат этувчининг жисмоний нуқсони (бармоқларнинг йўқлиги, бармоқ излари йўқолганлиги ва бошқа) сабабли махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш имконияти мавжуд бўлмаса, нотариал ҳаракатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеоёзув воситаларида қайд этилади ҳамда бу ҳақида битимнинг тасдиқловчи ёзувида қайд этилади.

54. Битимнинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқловчи ёзувни ёзиб, Тизимда қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган тўловлар (давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ) миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

55. Битим бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда, улар махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, нотариал идоранинг муҳри босилади.

56. Битим тасдиқлангандан сўнг кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат нотариуснинг талабномасига асосан нотариус томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва бир вақтнинг ўзида Реестрдан кўчирма берилади.

11-боб. Битимни видеоконференцалоқа режимида тасдиқлаш тартиби

57. Тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида битимни нотариал тасдиқлаши мумкин ва бундай битим уларнинг биргаликдаги иштирокисиз амалга ошириладиган бўлса, бир вақтнинг ўзида тарафлар нотариуслар ҳузурда бўлиши шарт.

Мазкур тартиб асосида барча турдаги битимни тасдиқлаш мумкин. Бу каби битимни тасдиқлашда тегишлилигига қараб битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш тарафларнинг тегишли нотариусга бериладиган аризасига асосан амалга оширилади ва ариза нотариал тартибда шаҳодатлантирилмайди.

Бунда, битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

битимнинг биринчи тарафи томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шахсини тасдиқловчи (битимнинг иккинчи тарафининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси) ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқади;

видеоконференцалоқа орқали битимни тасдиқлашда тегишли битим карточкасини яратади ва маълумотларни Тизимга киритади;

битимнинг биринчи тарафи билан ўзаро мулоқотда нотариус томонидан қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишиб, нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилган ҳолда битимнинг биринчи тарафи томонидан имзоланади ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади;

тарафлар ҳамда уларнинг ўзаро келишилган бошқа шартлари ҳақидаги маълумотлар асосида битим лойиҳасини электрон шаклда тузади;

Тизимда жойлаштирилган битим лойиҳасини чоп этади ва битимнинг тегишли қисмига битимнинг биринчи тарафига имзо қўйдиради ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади ва битим билан бирга сақлайди.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Мен Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уйда жойлашган, Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В., фуқаро Б.А.Г.нинг менинг ҳузуримда қўйган имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Сотувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Шартнома сотувчининг хоҳиш-иродаси ва қонун ҳужжатлари асосида видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштирилаётганлигини тасдиқлайман. Уй-жой сотувчига тегишлилиги текширилди, бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи фуқаро Б.А.Г. томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

Ушбу ҳужжат, уй-жой олди-сотди шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур шартнома Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. томонидан видеоконференцалоқа орқали тасдиқланган.

Нотариус битимни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни сканер қилиб Тизимга жойлаштиради.

Битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

Тизимга жойлаштирилган битим билан боғлиқ ҳужжатларни юклаб олади ва чоп этади;

Тизим орқали битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус билан видеоконференцалоқа орқали видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт.

Шунингдек, нотариус битимнинг иккинчи тарафига қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матнини сотиб олувчига тўлиқ таништириб, овоз чиқариб ўқиб беради. Битимнинг иккинчи тарафи томонидан битим имзолангандан сўнг, унинг бармоқ изларини сканер қилиш жараёни видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этилади.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Ушбу шартномани, мен Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва амалдаги қонунларга асосан сотувчи — Б.А.Г. Нурафшон шаҳар 1-сон ДНИда бўлган ҳолда видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб тасдиқладим. Бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи Б.А.Г.нинг шахси Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В. томонидан аниқланди ва сотиб олувчи А.А.В.нинг шахсини мен, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. аниқладим.

Сотиб олувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Электрон шаклда берилган ҳужжат қоғозда берилган ҳужжат билан тенг юридик кучга эга.

Тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатлар битта йиғмажилд шаклига келтирилади, бунда махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади ва тегишли ёзув киритилади.

Яхлит ҳолга келтирилган битим битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус томонидан сканер қилиниб, Тизимда шу реестр рақам қайд қилинган карточкага жойлаштирилади.

Битим икки нусхада тузилади, бир нусхаси битимнинг иккинчи тара-

фи мурожаат қилган нотариал идорада сақланади ва иккинчи нусхаси битимнинг иккинчи тарафига берилади.

Битимнинг иккинчи тарафига унинг сўровига кўра битимнинг нусхаси ўзи мурожаат қилган нотариус томонидан чоп этиб берилиши мумкин.

58. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилмасдан, унинг ўрнига нотариал ҳаракатнинг ноёб рақами билан мурожаат қилинганда нотариус томонидан ушбу ҳужжатлар Тизим орқали ноёб рақам ёки мурожаат қилувчининг ЖШ ШИР орқали текширилади ва шу асосда нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Ҳужжат ва унинг ноёб рақами шубҳа туғдирган тақдирда нотариус ушбу ҳужжатни тасдиқлаган нотариусга ёки идоравий нотариал архивга мурожаат қилиш орқали маълумотларга аниқлик киритиши мумкин.

Мазкур банднинг қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тасдиқланган ҳужжатларга нисбатан амал қилади.

12-боб. Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

59. Битимдаги қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (битим иштирокчиларининг) имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

60. Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизик тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Регламентнинг 59-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларини амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сиғмаган тақдирда, у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

61. Нотариал тасдиқланган битимни ўзгартириш ва қўшимчалар кириши асосий битимга қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади.

62. Нотариал тасдиқланган битимни бекор қилиш учун алоҳида келишув тузилади. Агар битимда бир тараф ёки иккала тараф юридик шахс

бўлса, битимни бекор қилиш вақтида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб битимни бекор қилиш ҳақидаги қарори (умумий мажлис баённомаси, қузатув кенгашининг қарори, буйруғи ва ҳ.к.) олинади. Битимнинг барча нусхаларига битим бекор қилинганлиги ҳақида ёзиб қўйилади, унга нотариуснинг имзоси ва мухри қўйилади ҳамда Тизимга бу ҳақида маълумот киритилади. Битимнинг тарафларга берилган нусхаларини тақдим этиш имкони бўлмаган (йўқолган ёки бошқа) ҳолларда бу ҳақида ариза олинади.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимни бекор қилишда битим предмети кўчмас мулк бўлиб, давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, Тизим орқали ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органнинг бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги белгиланган намунадаги маълумотномаси олинади ҳамда кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги текширилади.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимни бекор қилишда, агар мулк эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса, нотариус улардан иккинчисининг (мулк олувчининг) битимни бекор қилишга рози эканлиги тўғрисидаги нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган аризасини талаб қилади.

Нотариус битимни ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда битимнинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва мухрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда ёки тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинганда нотариал идорада сақланаётган битим предметига оид мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг ксеронусхасини қолдириб, асл нусхасини мулкдорга ёки унинг меросхўрларига ёхуд вакилларига қайтариб беради. Нотариал идорада қолган битимнинг ксеронусхасига унинг қайтарилганлиги ҳақида ҳужжатни олган шахс имзо қўяди. Битимнинг асл нусхаси меросхўрларга берилган тақдирда, уларнинг меросхўр эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар текширилади ва уларнинг ксеронусхалари нотариал идорада қолдирилади.

Битим бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

63. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган битимнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу битимни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида тегишли ҳудудий адлия органларини хабардор қилади.

13-боб. Битимни тасдиқлашни рад қилиш тартиби

64. Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қўйидаги ҳолларда битимни тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай битимни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёки зарур ваколатлари бўлмаган вакил битимни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

битимни тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, битимни тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик битимни тасдиқлашни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Битимни тасдиқлаш рад этилган тақдирда битимни тасдиқлашни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус битимни тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

65. Нотариус битимни тасдиқлашни рад этганда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилади.

14-боб. Ҳужжатларни нотариал идорада сақлаш ва нотариал архивга топшириш

66. Қонуннинг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга (кейинги ўринларда — нотариал архив) топширилиши керак.

Нотариал расмийлаштирилган битимнинг электрон нусхаси Тизимда сақланади ва электрон архив шакллантириб борилади.

67. Битимлар йиғмажилдлари нотариал идора архивига топширилишига қадар чангдан, қуёш нури таъсиридан ҳимоялайдиган ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайдиган шкафларда туради.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғма жилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

68. Йиғмажилдлардан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

69. Календарь йил тугаши билан масъул шахс йиғмажилдларни нотариал идора архивида сақлаш учун тайёрлайди.

Йиғмажилддаги ҳужжатлар туркумлаштирилади, расмийлаштирилади, тартибга келтирилиб, муқоваланади ва тикилади.

Йиғмажилд охирида алоҳида тоза вараққа тикилган варақлар сони ёзилади. Ушбу вараққа масъул шахс ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариуснинг муҳри қўйилади.

Йиғмажилд муқовасидаги сана ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

70. Нотариал идора ҳужжатлар ва материалларни нотариал архивга топширишидан олдин масъул шахс уларни тайёр ҳолга келтиради.

71. Нотариал идора томонидан ҳужжатлар ва материаллар нотариал архивга топширилаётганда, уларнинг бутлигини кўриб чиқиш адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

72. Эксперт комиссияси ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқишда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

73. Эксперт комиссияси томонидан ҳужжатлар нотариал архивга топширилиши лозим деб топилганда, икки нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатномада топширилаётган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ кўрсатилиши шарт. Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан имзоланади ҳамда унга нотариуснинг гербли муҳри қўйилади.

74. Битимлар йиғмажилдлари улар тасдиқланган вақтдан бошлаб нотариал архивда 75 йил мобайнида сақланади.

15-боб. Яқуний қоидалар

75. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан бош тортган тақдирда, унинг мурожаати кўрмасдан қолдирилади. Бунда, битимни тасдиқлаш учун тўланган тўловлар қайтарилади.

76. Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган

мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

77. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича нотариал фаолият устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадilar.

78. Мурожаат қилувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

79. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига
2-ИЛОВА

Нотариуслар томонидан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент нотариуслар томонидан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва бошқа шу каби битимларни) (кейинги ўринларда — битим) тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Нотариус томонидан битим нотариал идора биносида ёки мурожаат қилувчиларнинг талабига кўра сайёр тартибда расмийлаштирилади.

Битим нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида битим расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва битимни расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Битимни расмийлаштириш жараёнини аудио ва видео қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб тарафларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим)да сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видео қайд этилиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (ке-

йинги ўринларда — Қонун) 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар битим мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс тақлиф этган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида ким томонидан таржима қилинганлиги, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган санаси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи ҳамда матн мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи биладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

4. Битимни тасдиқлаш ушбу Регламентга иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

5. Мурожаат қилувчи битимни расмийлаштириш учун нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилади ёки нотариус хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармоқ) рўйхатдан ўтади.

6. Нотариус Тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилган шахсларни қабул қилиши шарт.

7. Мурожаат қилувчи электрон тармоқ орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли битим лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

8. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

9. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлари уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мурожаат бўйича битим лойиҳаси нотариус томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилади.

10. Қуйидаги ҳолларда битим расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармоқ орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — МИБ) маълумотлар базаси орқали қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса;

манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

3-боб. Мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

11. Мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси қабул қилади, нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаганда котиб ёки нотариус стажёри, улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади.

Бунда нотариус ёрдамчиси (котиб ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига электрон навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

12. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; ҳарбий хизматчилар — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Автомобилтранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битим-

ни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

13. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этган жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

14. Нотариусга мурожаат этган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса-да (шубҳа туғдирса-да), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.

Нотариус битимни расмийлаштиришда иштирок этувчи шахсларнинг босим ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш остида деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса) нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг ёзма розилигини талаб этади. Бунда ҳомийнинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

15. Юридик шахслар иштирокидаги битимни расмийлаштиришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

16. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколати текширилади.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва х.к.) билан тасдиқланади.

Нотариус таъсис ҳужжати бўйича битим тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарларидан битим ва бошқа ҳаракатларни бажариш учун ишончнома талаб қилмайди. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкilot) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончнома-нинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.

4-боб. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокида битимни тасдиқлаш тартиби

17. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимни унинг васийси амалга оширади.

Васийликдаги шахс номидан ҳады шартномаси тузишга йўл қўйилмайди. Бу қоидалар ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимга ҳам тегишлидир.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, битимни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай битимни тузишда ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади. Бунда ота-онанинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқати чекланган деб топилган фуқаро битимни ҳомийнинг ёзма розилиги билангина амалга оширади. Бунда ҳомийнинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан битим тузишга, шунингдек, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда яшаши ва ҳ.к.) битимни тасдиқлашга розилик бера олмасалар, битим васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддаси талабларига риоя этилади.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим тузишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

5-боб. Кар-соқовлик нуқсони ва кўзи ожиз бўлган шахслар иштирокида битимни тасдиқлаш тартиби

18. Битимни расмийлаштиришни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи), кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, битимни тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва битимнинг мазмунини унинг хоши-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо ёки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлай олса, унда сурдо ёки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсони мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида битим матни ва тасдиқловчи ёзувида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи битимни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим.

Нотариус мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатни имзолаган фуқаронинг, сурдо ёки тифло таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаходатлашни алоҳида нотариал ҳаракат сифатида рўйхатга олмайди.

Бир шахс ҳужжатни имзоловчи фуқаро, сурдо ёки тифло таржимон сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси қарор жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон

Республикаси кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан битим мазмуни ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироқи шарт эмас. Ушбу ёзишмалар битим билан бирга тикиб қўйилади.

Мазкур бандда белгиланган тартибда битимни имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли битимни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ёхуд тифло таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

6-боб. Битимни тасдиқлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

19. Битимни нотариал тасдиқлашда нотариус автомобилотransпорт воситаси мулкдорга тегишлилигини текширади.

20. Нотариус томонидан битим тасдиқлангунга қадар автомобилотransпорт воситалари автомобилотransпорт воситаси рўйхатга олинган ёки битим тасдиқланаётган жойдаги (сотиб олувчининг танловига кўра) ДЙХХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши керак. Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги уни кўздан кечирган мансабдор шахсининг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатидаги штамп ёки маълумотнома билан тасдиқланади.

Нотариус томонидан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйи-

ча қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

21. Жисмоний шахслар ўртасида битимни тасдиқлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомобилотранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДЙХХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомобилотранспорт воситаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган вилоятларда эса — «Ўзавтотеххизмат» масъулияти чекланган жамияти ташкилотларининг хулосаси;

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси берилган бўлса — меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома.

Агар мерос икки ёки ундан ортиқ меросхўрларга берилган бўлса, автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда барча меросхўрлар ёки уларнинг вакиллари иштирок этиб, битимни имзолайдилар.

22. Битимни тасдиқлашда тарафлар ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлган ҳолларда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автомобилотранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДЙХХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);

юридик шахс ваколатли органининг автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.);

мулкдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автомобилотранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлса);

тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

Юридик шахсга тегишли бўлган автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги юридик шахс кузатув кенгашининг қарори тақ-

дим этилган тақдирда, автомобилотранспорт воситасининг қолдиқ баланс қиймати ҳақида юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзоси қўйилган маълумотнома ҳамда юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумот ҳам талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ҳамда фирмалар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли «СМД», «D», «UN», «Т», «X», «M» сериядаги давлат рақамларига эга бўлган автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

23. Бюджет ташкилотларининг автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида аукцион савдоларда сотилади.

24. Эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузиш учун хотиннинг (эрнинг) нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган ёзма розилиги олиниши лозим.

Автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказётган фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева эканлиги ёки бўйдоқ) ҳақида ёзма ариза тақдим этганда, нотариус битимнинг иккинчи тарафини ариза билан таништиради ва ҳуқуқий оқибатини тушунтиради. Иккинчи тараф аризага фамилияси, исми, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди. Ушбу ҳолатни аниқлашда нотариусга тегишли равишда қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади: фуқаронинг паспорти, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд далолатнома ёзувларидан қўчирмалар. Ушбу ариза автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказётган фуқаронинг шахсан ўзи томонидан берилади, битим вакил орқали тузилган тақдирда эса, у томонидан ишончнома берувчининг эри ёки хотини йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда вакилдан бундай ариза олинади.

Эр ёки хотиндан бири вафот этганда уларнинг никоҳи давомида орттирилган умумий биргаликдаги мол-мулкига нисбатан ворислик қоидалари қўлланилади.

Эр (хотин)ни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида суд ҳужжати мавжуд бўлган ҳолларда нотариус битимни тасдиқлаши мумкин. Бу ҳолда нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 35-моддаси мазмунини битим матнида кўрсатиб ўтиши ва тарафларга тушунтириши лозим.

Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳадя шартномаси бўйича олинган, шунингдек, никоҳ давомида сотиб олинган автомобилотранспорт воситаси никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжа-

ти ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишув мавжуд бўлса битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

25. Нотариуслар томонидан битимни тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

кириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

26. Тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлигига шубҳа туғилса, нотариус бу ҳужжатни олиб қолиб, уни экспертизага юборишга ҳақлидир.

Нотариус ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва унда қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи, ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжат ким томонидан тақдим этилганлиги (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс бўлса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИР, ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар, ҳужжат экспертиза қилиниши учун қаерга (қайси экспертиза муассасасига) юборилаётганлиги ва экспертиза ҳал этиши учун қўйилаётган саволлар кўрсатилади.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра нотариал тасдиқлаб берилган ҳужжатнинг барча нусхаларига унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки унинг аниқ арифметик хатоларинигина тузатиши мумкин.

27. Битимни тасдиқлашда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлиги Тизим орқали текширилади. Бунда, мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

Жисмоний ва юридик шахснинг талабига кўра унга тегишли мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақида маълумотнома белгиланган миқдордаги тўлов ундирилгандан сўнг берилади.

28. Нотариус амалга оширилаётган битимнинг ўзи ёки бошқа нотариал идора томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктирилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги ҳақидаги маълумотларни Тизим орқали текширади.

29. Автомототранспорт воситасининг олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда тарафлар ихтиёрий тарзда ўзаро ҳисоб-китобларни банк хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин. Бунда, нотариус сотиб олувчи тараф сотувчининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилганлиги ҳақидаги тегишли банкнинг маълумотномасини талаб қилади. Мазкур маълумотнома ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

7-боб. Битим лойиҳасини тайёрлаш тартиби

30. Мазкур Регламентнинг 5 — 29-бандларида келтирилган тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олинган ва маълумотлар текширилганидан сўнг нотариус, нотариус ёрдамчиси, стажёри ёки котиби томонидан битим лойиҳаси тайёрланади.

Битим лойиҳаси жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мустақил тайёрланган ва нотариусга тақдим этилган ҳолларда эса — нотариус битим лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган битимнинг лойиҳалари ёки нотариал идорада тузиладиган битимнинг лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

Битим лойиҳаси нотариал идорада тайёрланган ҳолларда тарафларнинг хоҳишига қараб битим матни ўзгартирилиши ёки унга қўшимчалар киририлиши мумкин.

31. Битим матнида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

у қандай битим эканлиги (битимнинг номи);

битим имзоланган сана сўзлар билан қайд қилиниши;

битим тасдиқланган нотариал идоранинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми;

тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, битим тарафларидан бири чет эл фуқароси бўлса, унинг фуқаролиги;

битимда юридик шахс иштирок этаётган ҳолларда юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда — СТИР), давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;

автомобил транспорт воситасининг русуми, ишлаб чиқарилган йили, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, агрегат рақамлари, қуввати (от кучи);

транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасининг серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги;

автомобил транспорт воситасининг тарафлар томонидан келишилган баҳоси;

тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб амалга оширилгани ёки амалга ошириш муддати кечиктирилганлиги;

автомобил транспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

битим неча нусхада тузилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

битимнинг мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан тушунтирилганлиги, битим матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва тарафларнинг асл мақсадига мувофиқ келиши;

автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги олди-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш шартномалари ва бошқа турдаги битим нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши кераклиги. Бунда, шартнома матнининг якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда «Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида ўн кун ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади» деб ёзиб қўйилади.

Тарафларнинг ихтиёрига кўра битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Битимнинг тасдиқловчи ёзувда гербли (махсус) бланканинг (бланкаларнинг) серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилиши лозим.

32. Битим Тизимга киритилади ҳамда ҳар бир битим алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади ва нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатни тасдиқловчи ёзувда кўрсатилади.

Тизимдаги тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

33. Битимни расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт.

8-боб. Битим юзасидан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

34. Автомототранспорт воситасининг олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда тарафлар ўзаро ҳисоб-китобларни исталган шаклда (нақд пул ёки нақд пулсиз) амалга ошириши мумкин.

35. Автомототранспорт воситасининг олди-сотди шартномаларини тасдиқлашда тарафлар ихтиёрий тарзда ўзаро ҳисоб-китобларни банк хизматларидан ёки нотариуснинг депозит ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Бунда, нотариус сотиб олувчи тарафдан сотувчининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилганлиги ёки нотариуснинг депозит ҳисобварағида сақ-

ланаётганлиги ҳақидаги тегишли банкнинг маълумотномасини талаб қилади. Мазкур маълумотномалар ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

36. Битим тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятларини кечиктириш шарти билан тузилган тақдирда, ушбу битимни тасдиқлаган нотариус томонидан мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилади ва бу ҳақидаги маълумотлар Тизимга киритилади.

Бунда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга қўйилган тақиқ автотранспорт воситаси учун шартномада назарда тутилган пул маблағлари сотувчининг банк ҳисобварағига тўлиқ ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда бекор қилинади.

Агар тўлов мажбуриятларини кечиктириш муддати тугагандан сўнг тўлов амалга оширилса, нотариус сотиб олувчидан сотувчи томонидан берилган мажбуриятнинг бажарилиши қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхатни талаб этади.

9-боб. Битимни тасдиқлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

37. Битимни тасдиқлашда нотариус томонидан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундирилади.

Битим гербли махсус бланкада чоп этилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йиғими ундирилади.

Тасдиқланаётган битим, шу жумладан, битимни тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Битим лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун тақдим этилгандан кейин Тизим орқали тўлов квитанциялари (инвойс) битимни тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Битим тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун муро-

жаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг тасдиқланади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот (инвойс) Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Битим давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи яқин қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг ксеронусхаси олиб қолинади.

10-боб. Битимни тарафлар томонидан имзолаш тартиби

38. Тўловлар амалга оширилиб, битим лойиҳаси тўлиқ тайёр бўлгандан сўнг, тарафлар битимни имзолаш учун нотариус ҳузурига бир вақтда таклиф этилади.

39. Битим лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун тақдим этилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли битимни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

40. Битимнинг барча нусхаларини тарафлар (уларнинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийси) фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзиб, нотариус иштирокида шахсан имзолайдилар.

Агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битимни ўз қўли билан имзолай олмаса, битимни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим. Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилади.

Фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битимни ўз қўли билан имзолай олмаганида, битимни унинг топшириғига кўра имзолаган фуқаро, ҳужжатни таржима қилиб берган таржимон (сурдо ёки тифло таржимон) ва бошқалар ҳам ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади.

41. Тарафларнинг камида иккита бармоқлари излари махсус мосламаларда сканер қилинади.

Агар мурожаат этувчининг жисмоний нуқсони (бармоқларнинг йўқлиги, бармоқ излари йўқолганлиги ва бошқа) сабабли махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш имконияти мавжуд бўлмаса нотариал ҳаракатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеоёзув воситаларида қайд этилади ҳамда бу ҳақида битимнинг тасдиқловчи ёзувида қайд этилади.

42. Битимнинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқловчи ёзувни ёзиб, Тизимда қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган тўловлар (давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ) миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

43. Битим бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда, улар махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, нотариал идоранинг муҳри босилади.

11-боб. Битимни видеоконференцалоқа режимида тасдиқлаш тартиби

44. Тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида битимни нотариал тасдиқлаши мумкин ва бундай битим уларнинг биргаликдаги иштирокисиз амалга ошириладиган бўлса, бир вақтнинг ўзида тарафлар нотариуслар ҳузурда бўлиши шарт.

Мазкур тартиб асосида барча турдаги битимларни тасдиқлаш мумкин. Бу каби битимларни тасдиқлашда тегишлилигига қараб битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш тарафларнинг тегишли нотариусга бериладиган аризасига асосан амалга оширилади ва ариза нотариал тартибда шаҳодатлантирилмайди.

Бунда битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

битимнинг биринчи тарафи томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шахсини тасдиқловчи (битимнинг иккинчи тарафининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси) ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқади;

видеоконференцалоқа орқали битимни тасдиқлашда тегишли битим карточкасини яратади ва маълумотларни Тизимга киритади;

битимнинг биринчи тарафи билан ўзаро мулоқотда нотариус томонидан қандай турдаги битим тузиладиганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишиб, нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилган ҳолда битимнинг биринчи тарафи томонидан имзоланади ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади;

тарафлар ҳамда уларнинг ўзаро келишилган бошқа шартлари ҳақидаги маълумотлар асосида битим лойиҳасини электрон шаклда тузади;

Тизимда жойлаштирилган битим лойиҳасини чоп этади ва битимнинг

тегишли қисмига битимнинг биринчи тарафига имзо қўйдиради ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади ва битим билан бирга сақлайди.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Мен Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уйда жойлашган, Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В., фуқаро Б.А.Г.нинг менинг ҳузуримда қўйган имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Сотувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Шартнома сотувчининг хоҳиш-иродаси ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштири-лаётганлигини тасдиқлайман. Автомототранспорт воситаси сотувчига тегишлилиги текширилди, бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи фуқаро Б.А.Г. томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

Ушбу ҳужжат, автоматотранспорт воситаси олди-сотди шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур шартнома Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. томонидан видеоконференцалоқа орқали тасдиқланган.

Нотариус битимни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни сканер қилиб, Тизимга жойлаштиради.

Битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус куйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

Тизимга жойлаштирилган битим билан боғлиқ ҳужжатларни юклаб олади ва чоп этади;

Тизим орқали битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус билан видеоконференцалоқа орқали видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт.

Шунингдек, нотариус битимнинг иккинчи тарафига қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матнини сотиб олувчига тўлиқ таништириб, овоз чиқариб ўқиб беради. Битимнинг иккинчи тарафи томонидан битим имзолангандан сўнг, унинг бармоқ изларини сканер қилиш жараёни видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этилади.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Ушбу шартномани, мен Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. тарафларнинг хохиш-иродаси ва амалдаги қонунларга асосан сотувчи — Б.А.Г. Нурафшон шаҳар 1-сон ДНИда бўлган ҳолда видео-конференцалоқа орқали масофадан туриб тасдиқладим. Бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи Б.А.Г.нинг шахси Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В. томонидан аниқланди ва сотиб олувчи А.А.В.нинг шахсини мен, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. аниқладим.

Сотиб олувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Электрон шаклда берилган ҳужжат қоғозда берилган ҳужжат билан тенг юридик кучга эга.

Тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатлар битта йиғмажилд шаклига келтирилади, бунда махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади ва тегишли ёзув киритилади.

Яхлит ҳолга келтирилган битим битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус томонидан сканер қилиниб, Тизимда шу реестр рақам қайд қилинган карточкага жойлаштирилади.

Битим икки нусхада тузилади, бир нусхаси битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариал идорада сақланади ва иккинчи нусхаси битимнинг иккинчи тарафига берилади.

Битимнинг иккинчи тарафига унинг сўровига кўра битимнинг нусхаси ўзи мурожаат қилган нотариус томонидан чоп этиб берилиши мумкин.

45. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилмасдан, унинг ўрнига нотариал ҳаракатнинг ноёб рақами билан мурожаат қилинганда нотариус томонидан ушбу ҳужжатлар Тизим орқали ноёб рақам ёки мурожаат қилувчининг ЖШ ШИР орқали текширилади ва шу асосда нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Ҳужжат ва унинг ноёб рақами шубҳа туғдирган тақдирда нотариус ушбу ҳужжатни тасдиқлаган нотариусга ёки идоравий нотариал архивга мурожаат қилиш орқали маълумотларга аниқлик киритиши мумкин.

Мазкур банднинг қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тасдиқланган ҳужжатларга нисбатан амал қилади.

12-боб. Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

46. Битимдаги қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (битим иштирокчиларининг) имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

47. Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очiq жойларга чизiq тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Регламентнинг 46-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларни амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сифмаган тақдирда, у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охирига варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

48. Нотариал тасдиқланган битимни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосий битимга қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади.

49. Нотариал тасдиқланган битимни бекор қилиш учун алоҳида келишув тузилади. Агар битимда бир тараф ёки иккала тараф юридик шахс бўлса, битимни бекор қилиш вақтида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб битимни бекор қилиш ҳақидаги қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруғи ва ҳ.к.) олинади. Битимнинг барча нусхаларига битим бекор қилинганлиги ҳақида ёзиб қўйилади ҳамда унга нотариуснинг имзоси ва муҳри қўйилади ҳамда Тизимга бу ҳақида маълумот киритилади. Битимнинг тарафларга берилган нусхаларини тақдим этиш имкони бўлмаган (йўқолган ёки бошқа) ҳолларда бу ҳақида ариза олинади.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимни бекор қилишда, агар мулк эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса, нотариус улардан иккинчисининг (мулк олувчининг) битимни бекор қилишга рози эканлиги тўғрисидаги нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган аризасини талаб қилади.

Нотариус битимни ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда битимнинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланадиган асл нусхасига

тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва мухрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда ёки тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинганда нотариал идорада сақланаётган битим предметига оид мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг ксеронусхасини қолдириб, асл нусхасини мулкдорга ёки унинг меросхўрларига ёхуд вакилларига қайтариб беради. Нотариал идорада қолган битимнинг ксеронусхасига унинг қайтарилганлиги ҳақида ҳужжатни олган шахс имзо қўяди. Битимнинг асл нусхаси меросхўрларга берилган тақдирда, уларнинг меросхўр эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар текширилади ва уларнинг ксеронусхалари нотариал идорада қолдирилади.

Битим бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

50. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган битимнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу битимни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида тегишли ҳудудий адлия органларини хабардор қилади.

13-боб. Битимни тасдиқлашни рад қилиш тартиби

51. Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қуйидаги ҳолларда битимни тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай битимни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил битимни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

битимни тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, битимни тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик битимни тасдиқлашни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Битимни тасдиқлаш рад этилган тақдирда битимни тасдиқлашни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус битимни тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

52. Нотариус битимни тасдиқлашни рад этганда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилади.

14-боб. Хужжатларни нотариал идорада сақлаш ва нотариал архивга топшириш

53. Қонуннинг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга (кейинги ўринларда — нотариал архив) топширилиши керак.

Нотариал расмийлаштирилган битимнинг электрон нусхаси Тизимда сақланади ва электрон архив шакллантириб борилади.

54. Битимлар йиғмажилдлари нотариал идора архивига топширилишига қадар чангдан, қуёш нури таъсиридан ҳимоялайдиган ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайдиган шкафларда туради.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи манбаларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғмажилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

55. Йиғмажилдлардан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

56. Календарь йил тугаши билан масъул шахс йиғмажилдларни нотариал идора архивида сақлаш учун тайёрлайди.

Йиғмажилддаги ҳужжатлар туркумлаштирилади, расмийлаштирилади, тартибга келтирилиб, муқоваланади ва тикилади.

Йиғмажилд охирида алоҳида тоза вараққа тикилган варақлар сони ёзилади. Ушбу вараққа масъул шахс ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариуснинг муҳри қўйилади.

Йиғмажилд муқовасидаги сана ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

57. Нотариал идора ҳужжатлар ва материалларни нотариал архивга топширишидан олдин масъул шахс уларни тайёр ҳолга келтиради.

58. Нотариал идора томонидан ҳужжатлар ва материаллар нотариал архивга топширилаётганда, уларнинг бутлигини кўриб чиқиш адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

59. Эксперт комиссияси ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқишда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

60. Эксперт комиссияси томонидан ҳужжатлар нотариал архивга топширилиши лозим деб топилганда, икки нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатномада топширилаётган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ кўрсатилиши шарт. Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан имзоланади ҳамда унга нотариуснинг гербли муҳри қўйилади.

61. Битимлар йиғмажилдлари улар тасдиқланган вақтдан бошлаб нотариал архивда 75 йил мобайнида сақланади.

15-боб. Яқуний қоидалар

62. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан бош тортганда унинг мурожаати кўрмасдан қолдирилади. Бунда битимни тасдиқлаш учун тўланган тўловлар қайтарилади.

63. Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

64. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича нотариал фаолият устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадilar.

65. Мурожаат қилувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

66. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан мол-мулкни гаровга (ипотекага)
қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент нотариуслар томонидан мол-мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартномаларни (кейинги ўринларда — шартнома) тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Нотариуслар томонидан шартнома нотариал идора биносида ёки мурожаат қилувчиларнинг талабига кўра сайёр тартибда расмийлаштирилади.

Шартнома нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида шартнома расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва шартномани расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Шартномани расмийлаштириш жараёнини аудио ва видеога қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда, нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб тарафларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим)да сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видеога қайд этилиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда — Қонун) 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар шартнома мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс таклиф этган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида ким томонидан таржима қилинганлиги, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган саноиси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи ҳамда матн мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи билладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

4. Шартномани тасдиқлаш ушбу Регламентга иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

5. Мурожаат қилувчи шартномани расмийлаштириш учун нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилади ёки нотариус хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармоқ) рўйхатдан ўтади.

6. Нотариус Тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилган шахсларни қабул қилиши шарт.

7. Мурожаат қилувчилар электрон тармоқ орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, шартнома расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли шартнома лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

8. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

9. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали шартнома расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлари уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мурожаат бўйича шартнома лойиҳаси нотариус томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилади.

10. Қуйидаги ҳолларда шартнома расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармоқ орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — МИБ) маълумотлар базаси орқали қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса;

манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

3-боб. Мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

11. Мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси қабул қилади, нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаган-

да котиб ёки нотариус стажёри, улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади.

Бунда, нотариус ёрдамчиси (котиб ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига электрон навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

12. Нотариус шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; ҳарбий хизматчилар — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

13. Нотариус шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат этган жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

14. Нотариусга мурожаат этган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса-да (шубҳа туғдирса-да), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.

Нотариус шартномани расмийлаштиришда иштирок этувчи шахсларнинг

босим ёки кучли рухий ҳаяжонланиш остида деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса), нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг ёзма розилигини талаб этади. Бунда, ҳомийнинг розилиги шартномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

15. Юридик шахслар иштирокидаги шартномаларни расмийлаштиришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

16. Шартнома вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколати текширилади.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

Нотариус таъсис ҳужжати бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарларидан шартномалар ва бошқа ҳаракатларни бажариш учун ишончнома талаб қилмайди. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкилот) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончнома-нинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.

4-боб. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокида шартномани тасдиқлаш тартиби

17. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун шартномани уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга

нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан шартномаларни унинг васийси амалга оширади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар шартномаларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай шартномаларни тузишда ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади. Бунда ота-онанинг розилиги шартномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқати чекланган деб топилган фуқаро шартномаларни ҳомийнинг ёзма розилиги билангина амалга оширади. Бунда ҳомийнинг розилиги шартномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан шартномалар тузишга, шунингдек, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда яшаш ва ҳ.к.) шартномани тасдиқлашга розилик бера олмасалар, шартнома васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддаси талабларига риоя этилади.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан васийликдаги шахс номидан шартнома тузишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

5-боб. Кар-соқовлик нуқсони ва кўзи ожиз бўлган шахслар иштирокида шартномани тасдиқлаш тартиби

18. Шартномани расмийлаштиришни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи), кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, шартномани тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва шартноманинг мазмунини

унинг хошиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо ёки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлай олса, унда сурдо ёки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсони мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида шартнома матни ва тасдиқловчи ёзувида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи шартномани ўз қўли билан имзолай олмаса, шартнома унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда, нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим.

Нотариус мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатни имзолаган фуқаронинг, сурдо ёки тифло таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаходатлашни алоҳида нотариал ҳаракат сифатида рўйхатга олмайди.

Бир шахс ҳужжатни имзоловчи фуқаро, сурдо ёки тифло таржимон сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси қарлар жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, шартнома унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан шартнома мазмуни ўзининг хошиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар шартнома билан бирга тикиб қўйилади.

Мазкур бандда белгиланган тартибда шартномани имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли шартномани ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ёхуд тифло таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига

мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

6-боб. Шартномани тасдиқлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

19. Шартномани тасдиқлаш учун нотариус қўйидагиларни талаб қилади: гаров (ипотека) нарсасига нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

кадастр маълумотномаси (кўчмас мулклар учун);

асосий мажбурият ҳақидаги шартнома (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва бошқалар) нусхаси;

гаровга (ипотекага) қўйилган мол-мулкнинг гаровга олувчи ва гаровга қўювчи билан биргаликдаги тузилган баҳолаш далолатномаси ёки баҳоловчи ташкилотнинг ҳулосаси;

гаровга (ипотекага) қўйилаётган мол-мулк умумий мол-мулкни (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки) ташкил этса, барча мулкдорларнинг (эр-хотиннинг) нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган розилик аризалари;

ипотекага қўйилаётган мол-мулк хусусийлаштирилган турар жой бўлса Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан) олинган турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

хусусийлаштиришда қатнашиб розилик берган шахсларнинг нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган розилик аризалари;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;

гаров (ипотека) нарсаси ашёвий ҳуқуқ бўлган (оператив бошқарув ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутлар ва ҳ.к.) ҳолатда мулкдорнинг розилиги, қонунда ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур банднинг учинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотнома нотариус томонидан курьерлик хизматидан фойдаланган ҳолда ёки идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан Тизим орқали автоматик тарзда олинади.

Нотариус томонидан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли

билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда, текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун нотариус томонидан талаб қилиб олинган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларнинг, улар вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (аниқ шартномани тузиш учун берилган ишончномалардан ташқари) асл нусхалари нотариал идорада олиб қолинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари уларга нотариуснинг «аслига тўғри» деган устхати ёзилиб, олиб қолинади.

20. Нотариуслар томонидан шартномани тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

21. Тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлигига шубҳа туғилса, нотариус бу ҳужжатни олиб қолиб, уни экспертизага юборишга ҳақлидир.

Нотариус ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва унда қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи, ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжат ким томонидан тақдим этилганлиги (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИР, ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар, ҳужжат экспертиза қилиниши учун қаерга (қайси экспертиза муассасасига) юборилаётганлиги ва экспертиза ҳал этиши учун қўйилаётган саволлар кўрсатилади.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра нотариал тасдиқлаб берилган ҳужжатнинг барча нусхаларига унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки унинг аниқ арифметик хатоларинигина тузатиши мумкин.

22. Нотариус амалга оширилаётган шартноманинг ўзи ёки бошқа нотариал идора томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктирилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги ҳақидаги маълумотларни Тизим орқали текширади.

23. Шартномани тасдиқлашда нотариус гаров (ипотека) нарсаи бошқа

шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлиги Тизим орқали текширилади. Бунда, мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар ййғмажилди билан бирга тикилади.

24. Агарда гаровга (ипотекага) қўювчига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан тақиқ мавжуд бўлса, шартномани расмийлаштиришда кредиторнинг розилиги олинади.

7-боб. Шартнома лойиҳасини тайёрлаш тартиби

25. Мазкур Регламентнинг 5 — 24-бандларида келтирилган тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олинган ва маълумотлар текширилганидан сўнг нотариус, нотариус ёрдамчиси, стажёри ёки котиби томонидан шартнома лойиҳаси тайёрланади.

Шартнома лойиҳаси жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мустақил тайёрланган ва нотариусга тақдим этилган ҳолларда эса, нотариус шартнома лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган шартноманинг лойиҳаси ёки нотариал идорада тузиладиган шартноманинг лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

26. Шартнома матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, ҳужжатнинг матнида баҳолар кўрсатилса, рақам ҳамда сўз билан ёзилиши, юридик шахсларнинг номлари эса — уларнинг органлари жойлашган ерларини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса, банкдаги ҳисоб рақам ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда — СТИР) кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган (прописка қилинган) манзили тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

Бунда шартноманинг мазмуни Тизимга аниқ ва тўлиқ киритилиши ҳамда тарафларга тушунтирилиши лозим.

27. Шартномада қуйидагилар кўрсатилади:

у қандай шартнома эканлиги (шартноманинг номи);

шартнома тасдиқланган нотариал идоранинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми;

гаровга (ипотекага) олувчи билан гаровга (ипотекага) қўювчи ҳақидаги тўлиқ маълумот, жумладан, тарафлар ёки уларнинг вакилларининг фамилияси, исми, отасининг исми, манзили (ишончнома берилган сана, унинг рақами, ким томонидан берилганлиги ва тасдиқланганлиги) ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар;

турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека

билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш муддати ва ипотекага қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги;

гаров (ипотека) нарсаи бўлган мол-мулк гаровга (ипотекага) қўювчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва гаровга (ипотекага) қўювчининг бу ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли орган номи;

агар гаров (ипотека) нарсаи гаровга (ипотекага) қўювчига ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлса, ижара муддати;

гаров (ипотека) нарсасининг баҳоланганлиги ҳақидаги маълумот;

гаров (ипотека) билан таъминланадиган мажбурият, унинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиш муддати. Бу мажбурият бирон-бир бошқа шартномага асосланган ҳолларда эса, мазкур шартноманинг тарафлари, тузилган санаси ва жойи;

агар гаров (ипотека) билан таъминланадиган мажбурият суммаси келгусида аниқланиши лозим бўлса, гаров (ипотека) билан таъминланадиган мажбурият суммасини аниқлаш тартиби ва бошқа зарур шартлар;

агар гаров (ипотека) билан таъминланадиган мажбурият қисмларга бўлиб бажарилиши лозим бўлса, тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ва уларнинг миқдорлари ёки бу миқдорларни аниқлаш имкониятини берадиган шартлар;

мажбурият кўрсатилган муддатда бажарилмаслигининг оқибатлари;

гаров (ипотека) нарсасининг навбатдаги гаровга (ипотекага) қўйилган ёки қўйилмаганлиги, бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги;

гаровга (ипотекага) қўювчи билан гаровга (ипотекага) олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан тузилган деб ҳисобланиши ҳақида маълумот;

шартнома нусхаларининг сони;

нотариуснинг шартномани тасдиқлаганлиги ҳақида тасдиқловчи ёзув;

тарафлар келишувга эришган бошқа маълумотлар;

шартноманинг мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан тушунтирилганлиги, шартнома матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва тарафларнинг асл мақсадига мувофиқ келиши.

Кўчмас мулк ва автототранспорт воситалари билан боғлиқ шартномаларнинг тасдиқловчи ёзувида гербли (махсус) бланканинг (бланкаларнинг) серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилиши лозим.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ундирувни ипотекага қўйилган мол-мулкка қаратиш нотариал тартибда тасдиқланган келишув асосида ҳал этилиши ҳақидаги маълумот ҳам ушбу шартнома матнида кўрсатиб ўтилиши лозим.

28. Шартнома Тизимга киритилади ҳамда ҳар бир шартнома алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади ва нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувда кўрсатилади.

Тизимдаги тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

29. Шартномани расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий пропискасиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт.

30. Шартномани тасдиқлашда нотариус гаровга (ипотекага) қўйилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

31. Гаров нарсасини алмаштириш зарурияти туғилган ҳолларда, гаров нарсаси гаровга (ипотекага) олувчининг розилиги билан алмаштирилади. Нотариус гаровга (ипотекага) олувчининг гаров нарсасини алмаштиришга розилиги ҳақидаги юридик шахснинг ёзма шаклдаги хабарномаси (бошқа тегишли ҳужжатлар), жисмоний шахснинг аризаси асосида гаров нарсасини алмаштириш тўғрисида келишув битимини тасдиқлайди.

Гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан гаров (ипотека) шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида ҳам келишув битими тузилади.

8-боб. Шартномани тасдиқлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

32. Шартномани тасдиқлашда нотариус томонидан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундирилади.

Шартнома гербли махсус бланкада чоп этилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йиғими ундирилади.

Тасдиқланаётган шартнома, шу жумладан, шартномани тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритил-

ганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Шартнома лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун такдим этилгандан кейин Тизим орқали тўлов квитанциялари (инвойс) шартномани тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Шартнома тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг тасдиқланади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот (инвойс) Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

9-боб. Шартномани тарафлар томонидан имзолаш тартиби

33. Тўловлар амалга оширилиб, шартнома лойиҳаси тўлиқ тайёр бўлгандан сўнг, тарафлар шартномани имзолаш учун нотариус ҳузурига бир вақтда таклиф этилади.

34. Шартнома лойиҳаси тарафларга ўқиб танишиб чиқиш учун такдим этилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли шартномани ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

35. Шартноманинг барча нусхаларини тарафлар (уларнинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийси) фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзиб, нотариус иштирокида шахсан имзолайдилар.

Агар фуқаро жисмоний нуқсонли, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра шартномани ўз қўли билан имзолай олмаса, шартномани унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим. Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилади.

Фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра шартномани ўз қўли билан имзолай олмаганида, шартномани унинг топшириғига кўра имзолаган фуқаро, ҳужжатни таржима қилиб берган таржимон (сурдо ёки тифло таржимон) ва бошқалар ҳам ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади.

36. Тарафларнинг камида иккита бармоқлари излари махсус мосламаларда сканер қилинади.

Агар мурожаат этувчининг жисмоний нуқсони (бармоқларнинг йўқлиги, бармоқ излари йўқолганлиги ва бошқа) сабабли махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш имконияти мавжуд бўлмаса нотариал ҳаракатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеоёзув воситаларида қайд этилади ҳамда бу ҳақида шартноманинг тасдиқловчи ёзувида қайд этилади.

37. Шартноманинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқловчи ёзуви ёзиб, Тизимда қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган тўловлар (давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ) миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

38. Шартнома бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда, улар махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, нотариал идоранинг муҳри босилади.

10-боб. Шартномани видеоконференцалоқа режимида тасдиқлаш тартиби

39. Тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида шартномани нотариал тасдиқлаши мумкин ва бундай шартнома уларнинг биргаликдаги иштирокисиз амалга оширилади бўлса, бир вақтнинг ўзида тарафлар нотариуслар ҳузуринда бўлиши шарт.

Мазкур тартиб асосида барча турдаги шартномаларни тасдиқлаш мумкин. Бу каби шартномаларни тасдиқлашда тегишлилигига қараб битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Шартномани нотариал тасдиқлаш тарафларнинг тегишли нотариусга бериладиган аризасига асосан амалга оширилади ва ариза нотариал тартибда шаходатлантирилмайди.

Бунда шартноманинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

шартноманинг биринчи тарафи томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шахсини тасдиқловчи (шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси) ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқади;

видеоконференцалоқа орқали шартнома тасдиқлашда тегишли шартнома карточкасини яратади ва маълумотларни Тизимга киритади;

шартноманинг биринчи тарафи билан ўзаро мулоқотда нотариус томонидан қандай турдаги шартнома тузилаётганлигини, шартноманинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу шартнома мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишиб, нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилган ҳолда шартноманинг биринчи тарафи томонидан имзоланади ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади;

тарафлар ҳамда уларнинг ўзаро келишилган бошқа шартлари ҳақидаги маълумотлар асосида шартнома лойиҳасини электрон шаклда тузади;

Тизимда жойлаштирилган шартнома лойиҳасини чоп этади ва шартноманинг тегишли қисмига шартноманинг биринчи тарафига имзо қўйдиради ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади ва шартнома билан бирга сақлайди.

Шартномада тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Мен Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уйда жойлашган, Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В., фуқаро Б.А.Г.нинг менинг ҳузуримда қўйган имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Гаровга (ипотекага) қўювчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Шартнома гаровга (ипотекага) қўювчининг хоҳиш-иродаси ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштирилаётганлигини тасдиқлайман. Мулк гаровга (ипотекага) қўювчига тегишлилиги текширилди, бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Гаровга (ипотекага) қўювчи фуқаро Б.А.Г. томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

Ушбу ҳужжат, гаров (ипотека) шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур шартнома Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. томонидан видеоконференцалоқа орқали тасдиқланган.

Нотариус шартномани имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни сканер қилиб Тизимга жойлаштиради.

Шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафи мурожаат қилган нотариус қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

Тизимга жойлаштирилган шартнома билан боғлиқ ҳужжатларни юклаб олади ва чоп этади;

Тизим орқали шартноманинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус билан видеоконференцалоқа орқали видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт.

Шунингдек, нотариус шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафига қандай турдаги шартнома тузилаётганлигини, шартноманинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу шартнома мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади ҳамда ҳужжат матнини гаровга (ипотекага) олувчи (ва (ёки) кредит олувчи)га тўлиқ таништириб, овоз чиқариб ўқиб беради. Шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафи томонидан шартнома имзолангандан сўнг, унинг бармоқ изларини сканер қилиш жараёни видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этилади.

Шартномада тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Мисол:

Ушбу шартномани, мен Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва амалдаги қонунларга асосан гаровга (ипотекага) қўювчи — Б.А.Г. Нурафшон шаҳар 1-сон ДНИда бўлган ҳолда видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб тасдиқладим. Бу жараён «Нотариус» ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Гаровга (ипотекага) қўювчи Б.А.Г.нинг шахси Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В. томонидан аниқланди ва гаровга (ипотекага) олувчи (ва (ёки) кредит олувчи) А.А.В. (ва (ёки) Э.М.Б.)нинг шахси мен, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. аниқладим.

гаровга (ипотекага) олувчи (ва (ёки) кредит олувчи)нинг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Электрон шаклда берилган ҳужжат қоғозда берилган ҳужжат билан тенг юридик кучга эга.

Тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатлар битта йиғмажилд шаклига келтирилади, бунда махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади ва тегишли ёзув киритилади.

Яхлит ҳолга келтирилган шартнома шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафи мурожаат қилган нотариус томонидан сканер қилиниб Тизимда шу реестр рақам қайд қилинган карточкага жойлаштирилади.

Шартнома уч нусхада тузилади, бир нусхаси шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафи мурожаат қилган нотариал идорада сақланади ва иккинчи (ва (ёки) учинчи) нусхаси шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафига берилади.

Шартноманинг иккинчи ва (ёки) учинчи тарафига унинг сўровига кўра шартноманинг нусхаси ўзи мурожаат қилган нотариус томонидан чоп этиб берилиши мумкин.

40. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилмасдан, унинг ўрнига нотариал ҳаракатнинг ноёб рақами билан мурожаат қилинганда нотариус томонидан ушбу ҳужжатлар Тизим орқали ноёб рақам ёки мурожаат қилувчининг ЖШ ШИР орқали текширилади ва шу асосда нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Ҳужжат ва унинг ноёб рақами шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус ушбу ҳужжатни тасдиқлаган нотариусга ёки идоравий нотариал архивга мурожаат қилиш орқали маълумотларга аниқлик киритиши мумкин.

Мазкур банднинг қоидалари 2020 йил 1 январдан кейин тасдиқланган ҳужжатларга нисбатан амал қилади.

11-боб. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

41. Шартномадаги қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (шартнома иштирокчиларининг) имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

42. Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизик тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Регламентнинг 41-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларини амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сизмаган тақдирда, у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

43. Нотариал тасдиқланган шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосий шартномага қўшимча келишув тузиш йўли билан амалга оширилади.

44. Нотариал тасдиқланган шартномани бекор қилиш учун алоҳида келишув тузилади. Агар шартномада бир тараф ёки иккала тараф юридик шахс бўлса, шартномани бекор қилиш вақтида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарори (кредит

комиссиясининг қарори, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруғи ва х.к.) олинади. Шартноманинг барча нусхаларига шартнома бекор қилинганлиги ҳақида ёзиб қўйилади ҳамда унга нотариуснинг имзоси ва муҳри қўйилади ҳамда Тизимга бу ҳақида маълумот киритилади. Шартноманинг тарафларга берилган нусхаларини тақдим этиш имкони бўлмаган (йўқолган ёки бошқа) ҳолларда бу ҳақида ариза олинади.

Шартномани бекор қилишда шартнома предмети кўчмас мулк бўлиб давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, Тизим орқали ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваклоатли органнинг бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги белгиланган намунадаги маълумотномаси олинади ҳамда кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги текширилади.

Шартномани бекор қилишда, агар мулк эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса, нотариус улардан иккинчисининг (мулк олувчининг) шартномани бекор қилишга рози эканлиги тўғрисидаги нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган аризасини талаб қилади.

Нотариус шартномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда шартноманинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Шартнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда ёки тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинганда нотариал идорада сақланаётган шартнома предметига оид мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг ксеронусхасини қолдириб, асл нусхасини мулкдорга ёки унинг меросхўрларига ёхуд вакилларига қайтариб беради. Нотариал идорада қолган шартноманинг ксеронусхасига унинг қайтарилганлиги ҳақида ҳужжатни олган шахс имзо қўяди. Шартноманинг асл нусхаси меросхўрларга берилган тақдирда, уларнинг меросхўр эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар текширилади ва уларнинг ксеронусхалари нотариал идорада қолдирилади.

Шартнома бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

45. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган шартноманинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида тегишли ҳудудий адлия органларини хабардор қилади.

12-боб. Шартномани тасдиқлашни рад қилиш тартиби

46. Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қуйидаги ҳолларда шартномани тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай шартномани амалга ошириш қонунга зид бўлса;
муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил шартномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;
юридик шахс номидан амалга ошириладиган шартнома унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
шартнома қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
шартномани тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, шартномани тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик шартномани тасдиқлашни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Шартномани тасдиқлаш рад этилган тақдирда шартномани тасдиқлашни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус шартномани тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

47. Нотариус шартномани тасдиқлашни рад этганда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилади.

13-боб. Ҳужжатларни нотариал идорада сақлаш ва нотариал архивга топшириш

48. Қонуннинг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга (кейинги ўринларда — нотариал архив) топширилиши керак.

Нотариал расмийлаштирилган шартноманинг электрон нусхаси Тизимда сақланади ва электрон архив шакллантириб борилади.

49. Шартномалар йиғмажилдлари нотариал идора архивига топширилишига қадар чангдан, қуёш нури таъсиридан ҳимоялайдиган ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайдиган шкафларда туради.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғмажилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

50. Йиғмажилдлардан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

51. Календарь йил тугаши билан масъул шахс йиғмажилдларни нотариал идора архивида сақлаш учун тайёрлайди.

Йиғмажилддаги ҳужжатлар туркумлаштирилади, расмийлаштирилади, тартибга келтирилиб, муқоваланади ва тикилади.

Йиғмажилд охирида алоҳида тоза вараққа тикилган варақлар сони ёзилади. Ушбу вараққа масъул шахс ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариуснинг муҳри қўйилади.

Йиғмажилд муқовасидаги сана ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

52. Нотариал идора ҳужжатлар ва материалларни нотариал архивга топширишидан олдин масъул шахс уларни тайёр ҳолга келтиради.

53. Нотариал идора томонидан ҳужжатлар ва материаллар нотариал архивга топширилаётганда, уларнинг бутлигини кўриб чиқиш адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

54. Эксперт комиссияси ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқишда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

55. Эксперт комиссияси томонидан ҳужжатлар нотариал архивга топширилиши лозим деб топилганда, икки нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

56. Далолатномада топширилаётган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ кўрсатилиши шарт. Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан имзоланади ҳамда унга нотариуснинг гербли муҳри қўйилади.

57. Шартномалар йиғмажилдлари улар тасдиқланган вақтдан бошлаб нотариал архивда 75 йил мобайнида сақланади.

14-боб. Яқуний қоидалар

58. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан бош тортганда унинг мурожаати кўрмасдан қолдирилади. Бунда, шартномани тасдиқлаш учун тўланган тўловлар қайтарилади.

59. Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

60. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Рег-

ламент талаблари ижроси бўйича нотариал фаолият устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.

61. Мурожаат қилувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

62. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига
4-ИЛОВА

Нотариуслар томонидан ишончномаларни тасдиқлашнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент нотариуслар томонидан ишончномаларни (кейинги ўринларда — битим) тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида ёки мурожаат қилувчиларнинг талабига кўра сайёр тартибда расмийлаштирилади.

Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида битим расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва ишончномани расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Битимни расмийлаштириш жараёнини аудио ва видеога қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда, нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб тарафларга тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим)да сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видеога қайд этилиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда — Қонун) 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар ишончнома мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс таклиф этган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мум-

кин. Бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида ким томонидан таржима қилинганлиги, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган санаси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи ҳамда матн мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи биладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

4. Ишончномани тасдиқлаш ушбу Регламентга иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

5. Мурожаат қилувчи нотариал идорага ўзи келиб ёзма ариза билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармоқ) рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат қилади.

6. Мурожаат қилувчи электрон тармоқ орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, ишончномани тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли ҳужжат лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

7. Мурожаат қилувчининг электрон тармоқ орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўлланган мурожаатлари Тизимдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

8. Нотариус Тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилган шахсларни қабул қилиши шарт.

9. Мурожаат қилувчи томонидан электрон тармоқ орқали ишончномани тасдиқлаш учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлар уларнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мурожаат бўйича тегишли ҳужжат лойиҳаси нотариус томонидан белгиланган вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилади.

10. Қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун тегишли ҳужжатларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармоқ орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

тегишли нотариал ҳаракат бўйича мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — МИБ) маълумотлар базаси орқали қарздорлик ҳолати текширилиши лозим бўлган ҳолларда қарздорлик аниқланган бўлса;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

3-боб. Мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

11. Мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси (нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаган ҳолларда, нотариал идора котиби ёки нотариус стажёри), улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади.

Бунда, нотариус ёрдамчиси (нотариал идора котиби ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

12. Нотариус мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакиллари-нинг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакиллари-нинг шахсини аниқлайди.

Мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқароларининг шахси — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Мурожаат қилувчи фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

13. Нотариус мурожаат этувчи жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

14. Нотариусга мурожаат этувчи шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қили-

ши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса-да (шубҳа туғдирса-да), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.

Нотариус ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат этган шахсларнинг босим ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш остида деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса) нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

15. Юридик шахслар иштирокидаги нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

16. Ишончномани тасдиқлашни сўраб вакил томонидан мурожаат этилган тақдирда, унинг ваколати текширилади.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо) билан тасдиқланади.

Таъсис ҳужжати бўйича юридик шахсларнинг раҳбарлари нотариал ҳаракатларни бажариш учун ишончномани нотариал тартибда тасдиқлашни сўраб мурожаат қилса, бундай ҳолларда нотариус фақат уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкилот) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончноманинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.

4-боб. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокида ишончномани тасдиқлаш тартиби

17. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар)

учун ишончномани тасдиқлашни сўраб уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари мурожаат қилиши мумкин.

Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс номидан ишончномани тасдиқлашни сўраб унинг васийси мурожаат қилиши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ишончномани тасдиқлашни сўраб ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан мурожаат қиладилар. Ишончномани тасдиқлаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганида ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб қилинади. Бунда ота-онанинг розилиги ишончномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқати чекланган деб топилган шахс ишончномани тасдиқлашни сўраб ҳомийнинг ёзма розилиги билангина мурожаат қилади. Бунда, ҳомийнинг розилиги ишончномани тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин. Агарда алоҳида ариза кўринишида берилган бўлса, нотариус бу ҳақда тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўяди.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда яшаш ва ҳоказо) ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилишда розилик бера олмасалар, ишончнома васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддаси талабларига риоя этилади. Агарда алоҳида ариза кўринишида берилган бўлса, нотариус бу ҳақда тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўяди.

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш ва шу каби бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, ота-она қарамовидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни тузишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

5-боб. Кар-соқовлик нуқсони ва кўзи ожиз бўлган шахслар иштирокида ишончномани тасдиқлаш тартиби

18. Ишончномани тасдиқлашни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов,

кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи), кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, ишончномани тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва аризасининг мазмунини унинг хошиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо ёки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлай олса, унда сурдо ёки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсони мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида тегишли ҳужжат матни ва тасдиқловчи ёзувида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи ишончномани тасдиқлаш ҳақидаги аризани ўз қўли билан имзолай олмаса, ариза унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим.

Нотариус мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатни имзолаган фуқаронинг, сурдо ёки тифло таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаходатлашни алоҳида нотариал ҳаракат сифатида рўйхатга олмайди.

Бир шахс ҳужжатни имзолувчи фуқаро, сурдо ёки тифло таржимон сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси қарор жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, ариза унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан ариза мазмуни ўзининг хошиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар ариза ва бошқа ҳужжатлар билан бирга тикиб қўйилади.

Мазкур бандда белгиланган тартибда аризани имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли ҳужжатни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб

ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ёхуд тифло таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

6-боб. Ишончномани расмийлаштириш тартиби

19. Ишончномани тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахслар ишончнома бўйича вакил бўлиши мумкин.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида қайд этиб кўйилади.

Нотариус томонидан тегишли маълумотларга аниқлик киритилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда, текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

20. Ишончнома бир ёки бир нечта вакилга берилиши мумкин. Агар ишончнома бир нечта вакилга берилса, уларнинг ҳар бири ишончномада кўрсатилган ваколатларни биргаликда амалга ошириши ёки алоҳида-алоҳида бажариши ҳақида ишончноманинг матнида кўрсатилади.

Бундай ҳолатда, нотариус ишончнома бўйича ҳар бир вакилга берилган ваколатлар доирасини аниқлайди ва битимни тасдиқлайди.

21. Агар ишончнома бўйича вакиллик қилувчи юридик шахс бўлса, ишончнома матнида юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ёзилади.

22. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ишончнома бериш орқали ўтказишига йўл қўйилмайди.

23. Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ҳамда фирмалар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли «СМД», «D», «UN», «T», «X», «M» сериядаги давлат рақамларига

эга бўлган автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини нотариал тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

24. 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар бериш улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Нотариус кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончномани тасдиқлашда ишончнома матнида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23 ва 24-моддалари мазмуни тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатиб ўтиши лозим.

27. Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома матнида асосий ишончнома тасдиқланган сана, жой ва реестр рақами, асосий ишончнома олган, берган ва ваколат ишониб топшириётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, асосий ишончнома билан берилган барча ёки айрим ваколатларини (масалан, автомобилотранспорт воситасини сотиш, бошқариш, таъмирлаш, ҳайдаб олиб бориш ва ҳ.к.) берилаётганлиги ҳақида аниқ кўрсатилиши керак.

Бошқа шахсга ўтказиш йўли билан берилган ишончноманинг амал қилиш муддати асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Асосий ишончнома билан берилган барча ваколатларни бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома тасдиқланганда асосий ишончнома нотариал идорада олиб қолинади ва мазкур ишончнома бўйича ваколатлар бошқа шахсга берилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади.

Асосий ишончнома билан берилган айрим ваколатларни бошқа шахсга ишониб топшириш ҳақида ишончнома тасдиқланганда эса, асосий ишончномага қандай ваколатлар бошқа шахсга ишониб топширилганлиги ҳақида белги қўйилиб, ундан нусха олинади.

28. Ушбу Регламентда келтирилган тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилганидан сўнг нотариус, нотариус ёрдамчиси, стажёри ёки нотариал идора котиби томонидан ишончнома лойиҳаси тайёрланади.

Ишончнома лойиҳаси жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мустақил тайёрланган ва нотариусга тақдим этилган ҳолларда эса, нотариус ишончнома лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган ишончномаларнинг лойиҳалари ёки нотариал идорада тузиладиган ишончномаларнинг лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

29. Ишончнома матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, ҳужжатнинг матнида баҳолар кўрсатилса, рақам ҳамда сўз билан ёзилиши, юридик шахсларнинг номлари эса — уларнинг органлари жойлашган ерларини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса, банкдаги ҳисобварақ ва солиқ тўловчининг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — СТИР) кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган манзили тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги, ишончли вакилга берилаётган ваколатлар доираси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141 ва 142-моддалари тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак.

Бунда ишончноманинг мазмуни Тизимга аниқ ва тўлиқ киритилиши ҳамда ишончнома берувчига тушунтирилиши лозим.

30. Нотариус мулкни ҳады қилиш шартномасини тасдиқлаш билан боғлиқ ишончномани тасдиқлашда ишончнома матнида ҳады олувчининг номи ва ҳады нарсасини кўрсатиши шарт.

31. Ишончнома Тизимга киритилади ҳамда ҳар бир битим алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади ва нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида кўрсатилади.

Тизимдаги тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

32. Ишончномани расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт.

7-боб. Ишончномани тасдиқлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

33. Ишончномани тасдиқлашда нотариус томонидан Ўзбекистон Респуб-

ликаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундиради.

Ишончнома гербли махсус бланкада чоп этилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ герб йиғими ундирилади.

Тасдиқланаётган ишончнома, шу жумладан, ишончномани тасдиқлаш учун мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Тизим орқали тўлов қвитанциялари нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг амалга оширилади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Ишончнома давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи яқин қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг ксеронусхаси олиб қолинади.

8-боб. Ишончномани имзолаш тартиби

34. Ишончнома лойиҳаси ишончнома берувчига ўқиб танишиб чиқиш учун тақдим этилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли битимни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

35. Ишончноманинг барча нусхаларини ишончнома берувчи (унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийси) фамилияси, исми ва отасининг исминини тўлиқ ёзиб нотариус иштирокида шахсан имзолайдилар.

36. Ишончнома берувчининг (унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийси) камида иккита бармоқлари излари махсус мосламаларда сканер қилинади.

Агар уларнинг жисмоний нуқсони (бармоқларнинг йўқлиги, бармоқ излари йўқолганлиги ва бошқа) сабабли махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш имконияти мавжуд бўлмаса нотариал ҳаракатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеоёзув воситаларида қайд этилади.

37. Ишончноманинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқловчи ёзувни ёзиб, Тизимга қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган тўловлар (давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ) миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

38. Ишончнома бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда, улар махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда улар ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади ҳамда нотариал идоранинг муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади.

39. Тасдиқланган ишончноманинг бир нусхаси ишончнома берувчига берилади, иккинчи нусхаси нотариал идорада қолдирилади.

9-боб. Ишончномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

40. Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда ишончнома берган шахснинг бу ҳақдаги аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилади. Бу ҳақда нотариал идорада сақланаётган ишончнома нусхасига (бошқа нотариал идора томонидан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно) белги қўйилади ва Тизимга маълумот киритилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишончли вакилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.

41. Ишончномадаги қўшимча ва тузатишлар ишончномани имзолаган шахсларнинг имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

42. Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизик тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Регламентнинг 41-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларини амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сиғмаган тақдирда, у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла

баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

43. Нотариус ишончномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда ишончноманинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Ишончнома бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

44. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган битимнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу битимни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга дарҳол хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида тегишли ҳудудий адлия органларига хабар беради.

10-боб. Нотариуслар томонидан мансабдор шахслар тасдиқлаган ишончномаларни қабул қилиш тартиби

45. Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ишончнома ва ишончноманинг амал қилишини тугатиш учун асос бўладиган ҳужжатлар нотариал идорага келиб тушган кундан кечиктирмай нотариус томонидан Тизимга маълумот киритилади.

Нотариус сақлаш учун келиб тушган ишончномани текшириб кўриши ва унинг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини аниқлаган тақдирда, бу ҳақда дарҳол ишончнома олувчига ва ишончномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

11-боб. Ишончномани тасдиқлашни рад қилиш тартиби

46. Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қўйидаги ҳолларда ишончномани тасдиқлашни рад этади, агар:

- бундай ишончномани амалга ошириш қонунга зид бўлса;
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;
- юримдик шахс номидан амалга ошириладиган ишончнома унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
- ишончнома қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
- ишончномани тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, ишончномани тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик ишончномани тасдиқлашни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Ишончномани тасдиқлаш рад этилган тақдирда нотариус ишончномани тасдиқлашни рад этиш ҳақида мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус ишончномани тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахсинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

12-боб. Ҳужжатларни нотариал идорада сақлаш ва нотариал архивга топшириш

47. Қонуннинг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юриш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга (кейинги ўринларда — нотариал архив) топширилиши керак.

Нотариал расмийлаштирилган битимнинг электрон нусхаси Тизимда сақланади ва электрон архив шакллантириб борилади.

48. Ҳужжатлар йиғмажилдлари нотариал идора архивига топширилишига қадар чангдан, қуёш нури таъсиридан ҳимоялайдиган ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайдиган шкафларда туради.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғмажилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

49. Йиғмажилдлардан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

50. Календарь йил тугаши билан масъул шахс йиғмажилдларни нотариал идора архивида сақлаш учун тайёрлайди.

Йиғмажилддаги ҳужжатлар туркумлаштирилади, расмийлаштирилади, тартибга келтирилиб, муқоваланади ва тикилади.

Йиғмажилд охирида алоҳида тоза вараққа тикилган варақлар сони ёзилади. Ушбу вараққа масъул шахс ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариуснинг муҳри қўйилади.

Йиғмажилд муқовасидаги сана ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

51. Нотариал идора ҳужжатлар ва материалларни нотариал архивга топширишидан олдин масъул шахс уларни тайёр ҳолга келтиради.

52. Нотариал идора томонидан ҳужжатлар ва материаллар нотариал архивга топширилаётганда, уларнинг бутлигини кўриб чиқиш адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

53. Эксперт комиссияси ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқишда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

54. Эксперт комиссияси томонидан ҳужжатлар нотариал архивга топширилиши лозим деб топилганда, икки нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатномада топширилаётган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ кўрсатилиши шарт. Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан имзоланади ҳамда унга нотариуснинг гербли муҳри қўйилади.

55. Ишончномалар билан боғлиқ ҳужжатлар йиғмажилдлари улар тасдиқланган вақтдан бошлаб нотариал архивда 5 йил мобайнида сақланади.

13-боб. Яқуний қоидалар

56. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан бош тортганда унинг мурожаати кўрмасдан қолдирилади. Бунда, битимни тасдиқлаш учун тўланган тўловлар қайтарилади.

57. Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

58. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича нотариал фаолият устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадilar.

59. Мурожаат қилувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

60. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ
тўғрисида гувоҳномани беришнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар (кейинги ўринларда — гувоҳнома) бериш тартибини белгилайди.

2. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида ёки мурожаат қилувчиларнинг талабига кўра сайёр тартибда расмийлаштирилади.

Гувоҳнома бериш нотариал идора биносидан ташқарида бажарилса, ҳужжатнинг матнида гувоҳнома расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади ва гувоҳнома беришни расмийлаштириш ҳамда имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видеога қайд этилади.

Гувоҳномани расмийлаштириш жараёнини аудио ва видеога қайд этишда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи шахслар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт. Бунда, нотариус томонидан қандай турдаги нотариал ҳаракат амалга оширилаётганлиги, нотариал ҳаракат мазмуни, аҳамияти нотариус томонидан овоз чиқариб мурожаат қилувчи(лар)га тушунтириб берилганлиги ҳамда ҳужжат матни билан мурожаат қилувчи(лар) тўлиқ танишганлиги ва уларнинг асл мақсадига мувофиқлигини тасдиқлаган ҳолда имзолаш ҳамда бармоқ изларини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Тизим)да сканер қилиш жараёни тўлиқ аудио ва видеога қайд этилиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда — Қонун) 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилди.

Агар гувоҳнома бериш мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс таклиф этган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнида ким томонидан таржима қилинганлиги, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган санаси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи ҳамда матн мазмуни тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи билладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

4. Гувоҳнома бериш ушбу Регламентга иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

5. Мурожаат қилувчи нотариал идорага ўзи келиб ёзма ариза билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармок) рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат қилади.

6. Мурожаат қилувчи электрон тармок орқали нотариус қабулига навбатга ёзилишни, шунингдек, гувоҳнома олиш учун зарур бўлган маълумотларни жўнатган ҳолда тегишли ҳужжат лойиҳасининг олдиндан тайёрлаб қўйилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

7. Мурожаат қилувчининг электрон тармок орқали нотариус қабулига ёзилиш бўйича йўллаган мурожаатлари Тизимдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд қилиш электрон рўйхатига автоматик тарзда қайд қилинади.

8. Нотариус Тизим орқали келиб тушган электрон мурожаатларни кўриб чиқиши ва белгиланган муддатда мурожаат қилувчи(лар)ни қабул қилиши шарт.

9. Мурожаат қилувчи(лар) томонидан электрон тармок орқали гувоҳнома бериш учун зарур бўлган маълумотларни олдиндан жўнатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг тайёрлаб қўйилиши бўйича йўлланган мурожаатлар у(лар)нинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

10. Қўйидаги ҳолларда нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун тегишли ҳужжатларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилиши бўйича электрон тармок орқали йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш рад этилади:

нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кечиктириб ёки тўхтатиб турилган бўлса.

3-боб. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг мурожаат қилиш тартиби

11. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун гувоҳнома беришни сўраб уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари мурожаат қилиши мумкин.

Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан гувоҳнома бериш сўраб унинг васийси мурожаат қилиши мумкин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, гувоҳнома беришни сўраб ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларини хабардор қилган ҳолда мурожаат қиладилар.

Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Муомалага лаёқати чекланган деб топилган фуқаро гувоҳнома беришни сўраб ҳомийни хабардор қилган ҳолда мурожаат қилади.

4-боб. Кар-соқовлик нуқсони ва кўзи ожиз бўлган шахсларнинг мурожаат қилиш тартиби

12. Гувоҳнома беришни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи), кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, гувоҳнома бериш пайтида у билан муомала қила оладиган ва аризасининг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо ёки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлай олса, унда сурдо ёки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсони мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида тегишли ҳужжат матнида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи гувоҳнома бериш ҳақидаги аризани ўз қўли билан имзолай олмаса, ариза унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ёзиб қўйилиши лозим.

Нотариус мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатни имзолаган фуқаронинг, сурдо ёки тифло таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаходатлашни алоҳида нотариал ҳаракат сифатида рўйхатга олмайди.

Бир шахс ҳужжатни имзоловчи фуқаро, сурдо ёки тифло таржимон сифатида нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси қарлар жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилса, ариза унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан муло-

қот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан ариза мазмуни ўзининг хошиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар ариза ва бошқа ҳужжатлар билан бирга тикиб қўйилади.

Мазкур бандда белгиланган тартибда аризани имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Агар мурожаат қилувчи саводсиз, кўзи ожиз (кўр, заиф кўрувчи) бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек, касаллиги туфайли ҳужжатни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида қайд этади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ёхуд тифло таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

5-боб. Мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

13. Мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси (нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаган ҳолларда, нотариал идора котиби ёки нотариус стажёри), улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади.

Бунда, нотариус ёрдамчиси (нотариал идора котиби ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

14. Мурожаат қилувчиларнинг шахси қўйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқароларининг шахси — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Мурожаат қилувчи фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

15. Нотариус гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

16. Мерос мол-мулки мулкӣ комплекс сифатида корхона ёки мерос қолдирувчининг юридик шахслар устав капиталидаги (фондидаги) улушдан иборат бўлса, гувоҳнома беришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

17. Гувоҳнома беришни сўраб вакил томонидан мурожаат этилган тақдирда, унинг ваколати текширилади.

Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома билан тасдиқланади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкилот) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончнома-нинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.

6-боб. Гувоҳнома бериш тартиби

18. Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўр(лар)нинг ёзма ариза-сига кўра гувоҳнома беради.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

19. Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган) жойи ҳисобланади.

Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми

турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

20. Гувоҳнома матнида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

гувоҳнома номи;

нотариал округ номи;

гувоҳнома берилган сана (сўзлар билан қайд қилинади);

гувоҳнома берилган нотариал идоранинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми;

марҳумнинг фамилияси, исми, отасининг исми, вафот этган санаси;

қариндошлик даражаси, меросхўрнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, меросхўр чет эл фуқароси бўлса, унинг фуқаролиги, доимий ёки вақтинча яшаш бўйича рўйхатга олинган манзили, СТИРи;

меросхўр сифатида юридик шахс иштирок этаётган ҳолларда юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;

мерос мулки кўчмас мулк бўлса, унинг жойлашган манзили, таркиби ва тавсифи;

мерос мулки автототранспорт воситаси бўлса, унинг русуми, ишлаб чиқарилган йили, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, агрегат рақамлари, автототранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасининг серияси, рақами, давлат рўйхатидан ўтказган органнинг номи;

мерос мулкига нисбатан марҳумнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида маълумотлар;

кўчмас мулк ва (ёки) автототранспорт воситаси бўйича уларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан берилган ҳужжатлардаги мулкнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар;

гувоҳнома нечта нусхада берилганлиги ҳақида маълумот;

гувоҳнома берилган реестр рақами;

гувоҳнома берилганлик учун ундирилган тўловлар ҳақида маълумотлар;

гувоҳнома бериш учун асос бўлган мерос иши рақами;

гувоҳномани берган нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми, муҳр.

Меросхўрлар ихтиёрига кўра ва (ёки) қонун ҳужжатларига мувофиқ гувоҳномада бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

21. Мерос қолдирувчининг охириги яшаган жойи МДХга аъзо давлатлар ёки бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан нотариус мерос очилган жой бўйича нотариусга мурожаат этган меросхўрлар доирасини текшириб, мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган жойи бўйича гувоҳнома беради.

Мерос қолдирувчининг охириги яшаган жойи МДХга аъзо давлатлар ёки

бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан мерос қилиб қолдирилган кўчар мол-мулкка нисбатан гувоҳнома мерос қолдирувчининг охирги яшаган жойи бўйича берилади.

22. Агар мерос қолдирувчининг меросхўри мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса (трансмиссент), унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича (трансмиссар) ёки васият бўйича меросхўрларига ўтади.

Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг (трансмиссентнинг) вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди ва мерос қолдирувчи вафот этган жойдаги нотариус томонидан меросхўрнинг (трансмиссентнинг) меросхўрларига (трансмиссарларига) гувоҳнома берилади.

Бунда, нотариус вафот этган меросхўрнинг (трансмиссентнинг) барча мерос мол-мулки васият қилинган ёки йўқлигини, меросхўрлар (трансмиссарлар) доирасини аниқлайди.

Масалан, 2019 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган марҳум А. Алиева тегишли мерос мулкига унинг меросни қабул қилишга улгурмасдан 2020 йилда Самарқанд вилоятида вафот этган фарзандининг меросхўрларига Тошкент шаҳридаги нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилади.

23. Меросхўрлардан бири ёки унинг вакили мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирмани нотариусга тақдим этиши лозим.

Меросхўрлардан бири ёки унинг вакили мерос очилган жойдаги нотариусга мурожаат этган куннинг ўзида нотариус Тизим орқали мерос қолдирувчининг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилган ёки очилмаганлигини текширади.

Мерос иши очилмаган тақдирда мурожаат этган меросхўр ёки унинг вакилидан меросхўрлар доираси кўрсатилган ҳолда мерос иши очиш тўғрисида ариза олинади ва нотариус Тизимга мерос ишини очиш бўйича маълумотларни киритади. Бу ҳолда, нотариус меросхўр ёки унинг вакилининг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томонидан берилганлигини ва туғилган йилини кўрсатади.

Нотариус мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, васиятноманинг мавжудлиги, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Васиятнома мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, агар мавжуд бўлса, ушбу васиятнома ўзгартирилмаганлиги ёки бекор қилинмаганлиги Тизим орқали текширилади.

Нотариал идорага шахсан келган меросхўрлардан меросни қабул қилиш

ёки ундан воз кечиш ҳақида аризалар олади. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар нотариал тасдиқланиши лозим.

Агарда ариза почта орқали келиб тушган бўлса, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатланмаган бўлса ҳам ариза нотариус томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари ёхуд Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан шаҳодатлантирилган ҳолда юбориш ёки нотариал идорага шахсан келиши ҳақида хабарнома юборилади.

Меросдан воз кечиш аризаларида мерос таркиби кўрсатилмайди ва нотариал тартибда тасдиқланади. Бундай аризаларни тасдиқлашдан олдин муқаддам ушбу меросхўр томонидан меросдан воз кечиш аризаси берилган ёки йўқлиги Тизим орқали текширилади. Агарда меросхўр томонидан муқаддам воз кечиш аризаси берилган бўлса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1147-моддасининг тўртинчи қисми талаблари тушунтирилган ҳолда рад этилади (воз кечиш аризасида меросхўр васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечаётганлиги аниқ кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

Мерос қолдирувчининг эрдан (хотинидан) олинган меросдан воз кечиш аризасида мерос қолдирувчи билан биргаликдаги никоҳ давомида орттирилган мулкдан ўз улушини ажратган ёки ажратмаган ҳолда воз кечаётганлиги кўрсатилади.

24. Нотариусга мурожаат этган марҳум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинига (эрига) Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддаси ва Қонуннинг 63-моддасига асосан мерос қолдирувчи билан биргаликдаги никоҳ давомида орттирилган мулкдан ўз улушини ажратган ёки ажратмаган ҳолда мерос қолган мулкка нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида ариза олинади. Ариза почта орқали келганда, марҳум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинга (эрга) юқорида қайд этилган моддалар мазмуни тушунтирилган хабарнома юборилади.

25. Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга чақирилади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда, бундай никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайдилар.

26. Ўзини мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб ҳисоблаётган шахс гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат этса, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти суд ҳужжати билан тасдиқланади.

Ёши бўйича қарамоқда бўлган шахснинг меҳнатга қобилиятсизлиги унинг паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва пенсия гувоҳномаси билан аниқланади.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришда нотариус мерос қолдирувчининг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз меросхўрлари мавжудлигини аниқлайди.

Меҳнатга қобилиятсиз шахсларга қуйидагилар киради:

мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркаклар;

мерос очилган кунга келиб белгиланган тартибда I ёки II ногиронлиги бўлган деб топилган шахслар.

Меросдаги мажбурий улушдан воз кечиш ҳеч бир шартсиз бўлиши лозим. Бошқа шахслар фойдасига мажбурий улушдан воз кечишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда мерос мол-мулки васиятномада кўрсатилган меросхўрларга васиятнома бўйича ўтади.

27. Агар васиятнома бўйича меросхўрлар мажбурий улушга гувоҳномани олишга қаршилиқ қилишса, нотариус уларнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқларини тушунтиради ва мажбурий улушга гувоҳнома берилишини ўн кундан ошмаган муддатга кечиктиради.

Агар васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномада мерос қолдирувчи билан (меросхўрларнинг хоҳиши бўйича) меросхўрларнинг қариндошлиқ ёки бошқа муносабатларини кўрсатиб ўтиши зарур бўлса, нотариус ушбу муносабатларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилади.

28. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришда меросхўрлар томонидан тақдим этилган васиятноманинг асл нусхаси ёки дубликати нотариал идорада қолдирилади.

Васият қилувчи уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўтадиган меросхўрга бу уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклашга ҳақли. Мазкур мажбурият нотариус томонидан гувоҳномада ёзиб қўйилади.

Васиятномада васият қилувчи мерос сифатида турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун васият мажбурияти кўрсатилган бўлса, нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома матнида турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқига эга шахс ҳақидаги маълумотларни кўрсатади.

29. Гувоҳнома беришда нотариус, қоида тариқасида, қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

мерос қолдирувчининг ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма;

мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи ҳақидаги ички ишлар органларининг маълумотномаси ёки уй дафтарида кўчирма;

мерос таркибининг мерос қолдирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (бунда мерос мулки кўчмас мулк бўлса, кадастр маълумотномаси);

меросхўрларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари (Ф.И.О. ўзгарган тақдирда) ёки далолатнома ёзувларидан кўчирмалар ёхуд қариндошлиқ муносабатларининг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати;

меросхўрлар вафот этган тақдирда, ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма;

мерос қолдирувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси (ажрашганлик ҳақидаги гувоҳнома) ёки далолатнома ёзувидан кўчирма.

Агар қонун бўйича меросхўрларнинг бири ёки бир нечтаси ворисликка чақиришга асос бўладиган муносабатлар мавжудлигини исботлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса, улар меросни қабул қилиб олган ва тегишли исботларни тақдим этган бошқа барча меросхўрларнинг ёзма розилиги билан гувоҳномага киритилиши мумкин. Бу розилик ёзма ариза кўринишида расмийлаштирилади. Меросхўрлар шахсан ўзлари мерос очилган жойдаги нотариал идорага келиб, аризани тақдим этган ҳолда, уларнинг имзоларининг ҳақиқийлигини шаходатлаш талаб қилинмайди. Бу ҳолда, нотариус меросхўрларнинг шахсини аниқлайди ва имзолари ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томонидан берилганлигини ва туғилган йилини кўрсатади.

Ушбу ариза нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

30. Агар мерос мулки таркибига ов милтиғи кирса, бунда нотариус Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари (ички ишлар органлари) томонидан мерос қолдирувчига ушбу милтиқни сақлаш учун берилган рухсатномани ва овчи билетини меросхўрдан талаб қилади.

31. Акциядорлик жамиятининг акциядорларининг мерос мол-мулки таркибига уларга тегишли бўлган акциялар киради.

Ҳужжатсиз шаклдаги қимматли қоғозларга мулк ҳуқуқи тегишли инвестиция воситачиси ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган депо ҳисобварағининг кўчирмасига асосан тасдиқланади.

Мерос олиш тартибида нафақат қимматли қоғозлар тури сифатида акциялар, балки тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, қўшимча масъулиятли ёки масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг, ишлаб чиқариш кооперативи аъзосининг (иштирокчи, ҳисса қўшувчи, коммандитчининг) улуши (ҳиссаси) кирса, бунда тегишли ширкат, кооператив, жамиятдаги ушбу иштирокчининг (аъзонинг) устав фондидаги (капиталидаги) улуши (ҳиссаси) ҳам киради. Ушбу ҳуқуқларга мерос қолдирувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигининг далили сифатида нотариус учун тегишли ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ёки бу ҳақда меросхўрлар томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатлар хизмат қилади. Меросхўрларда ушбу исботловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, нотариус кўрсатилган ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан тегишли ҳужжатларни олишда кўмак бериши лозим.

32. Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, фермер хўжалиги мулкий комплекс сифатида меросхўрларга ўтади.

33. Банкда (бошқа кредит ташкилотидан) сақланаётган омонат, мерос

берувчининг номидаги қимматли қоғозлар мавжудлигини тасдиқлашда, нотариус меросхўрлардан омонат дафтарчасини (банк омонати шартномасини ёки омонат мавжудлигини исботловчи бошқа тегишли ҳужжатни), қимматли қоғозларга нисбатан эса тегишли инвестиция воситачиси ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг маълумотномасини талаб қилади. Омонат дафтарчалари нусхалари ва маълумотномалар мерос ишига бириктирилган бўлиши керак.

Агар мерос таркибида банклар ва бошқа кредит ташкилотларида сақланаётган омонат пул маблағлари мавжуд бўлиб, бироқ меросхўрлар уни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмасалар, бу ҳолатда нотариус мерос таркибини аниқлаш ва уни ҳимоя қилиш учун банклар, бошқа кредит ташкилотлари ва юридик шахсларга маълумотнома бериш ҳақида сўров юбориши мумкин.

Нотариус олинган маълумотни фақат васиятни бажарувчига ёки меросхўрларга тақдим этади.

34. Агар мерос мол-мулкига нисбатан тақиқ ва хатлов қўйилган бўлса, тақиқ ва хатлов олиб ташланмагунга қадар гувоҳномани бериш тўхтатиб турилади. Гаров (ипотека) шартномаси асосида мерос мол-мулкига тақиқ қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан тақиқ бекор қилинмаган ҳолда меросхўрларга гувоҳнома берилиши мумкин.

35. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги меросхўрларга гувоҳнома берилганлиги ҳақида нотариус уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун меросхўрларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилига кўра васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беради.

36. Нотариус томонидан берилган гувоҳномада кўрсатилмаган бошқа мерос мол-мулклари бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида қўшимча гувоҳномалар берилади.

Бошқа мол-мулкка қўшимча меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришда илгари берилган гувоҳномага киритилмаган меросхўрлар мурожаат қилганда, улар ҳам умумий асосларда қўшимча мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномага киритилади.

37. Баъзи бир меросхўрларнинг улушлари ҳал этилмаганда, гувоҳномада ҳал этилмаган улуш миқдори кўрсатилади.

38. Гувоҳнома Тизимга киритилади ҳамда ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади ва нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатнинг матнида кўрсатилади.

Тизимдаги тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

39. Гувоҳнома беришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

7-боб. Гувоҳнома бериш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

40. Гувоҳнома беришда нотариус томонидан Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундиради.

Гувоҳнома, шу жумладан, гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар Тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори Тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Тизим орқали тўлов квитанциялари (инвойс) нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг Тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ишонч телефони» рақами кўрсатилган SMS хабар йўлланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахснинг мобил телефони мавжуд бўлмаганда, истисно тариқасида, Тизимга у томонидан кўрсатилган, нотариал идорага бирга келган бошқа шахснинг мобил телефони рақамини, агар фақат ўзи келган бўлса, нотариуснинг мобил телефони рақамини киритишга рухсат этилади.

Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш кодини нотариусга берганидан сўнг амалга оширилади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот (инвойс) Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Гувоҳнома давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи меросхўрларга берилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг ксеронусхаси олиб қолинади.

8-боб. Гувоҳномани имзолаш тартиби

41. Гувоҳномага нотариус Тизимга қайд қилинган тартиб рақамини, ундирилган тўловлар (давлат божи ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ) миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳрини қўяди.

42. Гувоҳнома бир неча алоҳида варақларда баён этилган тақдирда, улар махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, варақлари эса рақамланади, ҳужжатнинг охириги варағи ёрлик билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, нотариал идоранинг муҳри босилади.

43. Меросхўрларнинг хошишига кўра гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг барчасига бир нусхада берилади. Гувоҳноманинг иккинчи нусхаси нотариал идорада қолдирилади.

9-боб. Гувоҳномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

44. Гувоҳномага ўзгартириш ва қўшимчалар манфаатдор шахснинг муурожаати ёки нотариуснинг ташаббусига кўра киритилиши мумкин.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки меросхўрларнинг илтимосига кўра гувоҳноманинг барча нусхаларига унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки унинг аниқ арифметик хатоларинигина тузатиши мумкин. Гувоҳномага нотариуснинг ташаббуси билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, бу ҳақда гувоҳнома олган шахсга хабар қилиниши лозим.

45. Гувоҳномага қўшимча ва тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Матндаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошлангич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

46. Нотариал тасдиқланган гувоҳнома суд томонидан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Нотариус гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда гувоҳноманинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Гувоҳнома бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

47. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган гувоҳноманинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу гувоҳномани белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда

прокурорга дарҳол хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида тегишли ҳудудий адлия органларига хабар беради.

10-боб. Гувоҳномани тасдиқлашни рад қилиш тартиби

48. Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

бу нотариал ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

нотариал ҳаракат қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

нотариал ҳаракатни тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни тасдиқлаш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни тасдиқлашни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

11-боб. Ҳужжатларни нотариал идорада сақлаш ва нотариал архивга топшириш

49. Қонуннинг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юртиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юртиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивларга (кейинги ўринларда — нотариал архив) топширилиши керак.

Нотариал расмийлаштирилган гувоҳноманинг электрон нусхаси Тизимда сақланади ва электрон архив шакллантириб борилади.

50. Ҳужжатлар йиғмажилдлари нотариал идора архивига топширилишига қадар чангдан, куёш нури таъсиридан ҳимоялайдиган ва уларнинг яхши сақланишини таъминлайдиган шкафларда туради.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзув файли нотариал ҳаракатга Тизим томонидан берилган реестр рақами билан номланади ва электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади.

Календарь йил якунида аудио ва видеоёзувлар файллари нусхалари DVD

дискларга ёзилади ҳамда нотариал идоранинг темир жавони ёки сейфларида алоҳида сақланади.

Электрон ахборот ташувчи жисмларда ёки DVD дискларда сақланаётган аудио ва видеоёзувлар файллари нотариус ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда текшириб кўрилган ҳолда далолатнома асосида қабул қилиниб, янги тайинланган ёки вазифаси юклатилган нотариусга топширилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзувлар файллари белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар йиғмажилдлари билан идоравий нотариал архивларга топширилиши керак.

51. Йиғмажилдлардан бирон-бир ҳужжат олиш ва беришга йўл қўйилмайди.

52. Календарь йил тугаши билан масъул шахс йиғмажилдларни нотариал идора архивида сақлаш учун тайёрлайди.

Йиғмажилддаги ҳужжатлар туркумлаштирилади, расмийлаштирилади, тартибга келтирилиб, муқоваланади ва тикилади.

Йиғмажилд охирида алоҳида тоза вараққа тикилган варақлар сони ёзилади. Ушбу вараққа масъул шахс ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариуснинг муҳри қўйилади.

Йиғмажилд муқовасидаги сана ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

53. Нотариал идора ҳужжатлар ва материалларни нотариал архивга топширишидан олдин масъул шахс уларни тайёр ҳолга келтиради.

54. Нотариал идора томонидан ҳужжатлар ва материаллар нотариал архивга топшириляётганда, уларнинг бутлигини кўриб чиқиш адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

55. Эксперт комиссияси ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқишда архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

56. Эксперт комиссияси томонидан ҳужжатлар нотариал архивга топширилиши лозим деб топилганда, икки нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатномада топшириляётган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ кўрсатилиши шарт. Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан имзоланади ҳамда унга нотариуснинг гербли муҳри қўйилади.

57. Мерос иши билан боғлиқ ҳужжатлар йиғмажилдлари улар тасдиқланган вақтдан бошлаб нотариал архивда 75 йил мобайнида сақланади.

12-боб. Яқуний қоидалар

58. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи нотариал хизматдан фойдаланишдан бош тортганда унинг мурожаати кўрмасдан қолдирилади. Бунда, битимни тасдиқлаш учун тўланган тўловлар қайтарилади.

59. Нотариус ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган мурожаат қилувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши керак.

60. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича нотариал фаолият устидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадilar.

61. Мурожаат қилувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

62. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

516 Давлат резервидаги маҳсулот ва товарларнинг ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 319-1*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралар Бош бошқармаси, Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1997 йил 10 мартда 116, 11-02-15/55 ва 38-сон билан тасдиқланган Давлат резервидаги маҳсулот ва товарларнинг ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 319, 1997 йил 2 апрель) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат захираларини
бошқариш қўмитаси раиси**

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
49-сон

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 4 ноябрь,
23/1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

517 Давлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини муносиб рағбатлантиришни

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

ташқил этиш, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 12 августдаги 480-сон «Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 10-мх, 8 қ/қ, 41 қ/қ, 5-2019, 32, 25 қ/қ ва 35-2019-қ/қ-сон қарори (рўйхат рақами 3182, 2019 йил 16 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.09.2019 й., 10/19/3182/3754-сон) билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 октябрь,
21-мх-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазири ўринбосари**

У. БЕГИМКУЛОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 октябрь,
89-03-3719-сон

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2020 йил 7 октябрь,
12-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2020 йил 7 октябрь,
12-мҳ-сон

Ш. ШЕРМАТОВ

Жисмоний тарбия ва спорт вазири

Тошкент ш.,
2020 йил 8 октябрь,
9-мҳ-сон

Д. НАБИЕВ

Маданият вазири

Тошкент ш.,
2020 йил 14 октябрь,
01-14-18-сон

О. НАЗАРБЕКОВ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири

Тошкент ш.,
2020 йил 7 октябрь,
392-сон

Н. ХУСАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 ноябрдаги 4, 49, 23/1-сон «Давлат резервидаги маҳсулот ва товарларнинг ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 319-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 21-мх-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3719-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 12-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 12-мх-сон, 2020 йил 8 октябрдаги 9-мх-сон, 2020 йил 14 октябрдаги 01-14-18-сон, 2020 йил 7 октябрдаги 392-сон «Давлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Баҳолашнинг умумий тушунча ва принциплари»ги қарори (рўйхат рақами 1604, 2006 йил 24 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини

тасдиқлаш тўғрисида «Бозор қиймати баҳолаш базаси сифатида»ги қарори (рўйхат рақами 1605, 2006 йил 24 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Бозор қийматидан фарқланувчи баҳолаш базаси»ги қарори (рўйхат рақами 1606, 2006 йил 24 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида «Молиявий ҳисобот ва турдош ҳужжатлар мақсадида баҳолаш»ги қарори (рўйхат рақами 1607, 2006 йил 24 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида» «Суда, гаров ва қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолаш»ги қарори (рўйхат рақами 1608, 2006 йил 24 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш Миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички коидаларига қўйиладиган умумий талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1851, 2008 йил 5 сентябрь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолашни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2025, 2009 йил 28 октябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2025-1, 2016 йил 1 июнь), (рўйхат рақами 2025-2, 2017 йил 19 май), (рўйхат рақами 2025-3, 2018 йил 1 март), (рўйхат рақами 2025-4, 2019 йил 11 июль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2026, 2009 йил 28 октябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2026-1, 2016 йил 1 июнь), (рўйхат рақами 2026-2, 2017 йил 19 май), (рўйхат рақами 2026-3, 2018 йил 27 февраль).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўми-

тасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 2044, 2009 йил 18 ноябрь), шунингдек, унга қўшимчалар (рўйхат рақами 2044-1, 2016 йил 1 июнь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (11-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида давлат уй-жой фондининг қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2279, 2011 йил 19 октябрь), шунингдек, унга қўшимчалар (рўйхат рақами 2279-1, 2016 йил 1 июнь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2371, 2012 йил 18 июнь), шунингдек, унга қўшимчалар (рўйхат рақами 2371-1, 2016 йил 1 июнь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (14-сон МБМС) «Товармоддий захиралар қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2890, 2017 йил 19 июнь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

14. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (15-сон МБМС) «Машина ва ускуналар қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2895, 2017 йил 29 июнь).

2020 йил 5 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

15. Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида телеграф алоқаси хизмати кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 233, 1996 йил 8 апрель).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

16. Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган Шаҳар телефон тармоқларида қўриқлаш сигнализацияси аппаратурасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 244, 1996 йил 7 май).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

17. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош дирек-

тори томонидан тасдиқланган Ўзбекистон уяли ҳаракатдаги алоқа тармоқлари операторлари томонидан роуминг хизматини ташкил қилиш ва кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 968, 2000 йил 13 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 968-1, 2013 йил 13 ноябрь), (рўйхат рақами 968-2, 2015 йил 6 апрель).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

18. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1323, 2004 йил 15 март), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1323-1, 2004 йил 17 декабрь), (рўйхат рақами 1323-2, 2012 йил 31 июль), (рўйхат рақами 1323-3, 2013 йил 12 июль), (рўйхат рақами 1323-4, 2014 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1323-5, 2015 йил 30 март), рўйхат рақами 1323-6, 2017 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 1323-7, 2019 йил 11 июнь), (рўйхат рақами 1323-8, 2019 йил 5 август).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

19. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1393, 2004 йил 30 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1393-1, 2010 йил 13 декабрь), (рўйхат рақами 1393-2, 2013 йил 22 май), (рўйхат рақами 1393-3, 2014 йил 28 март), (рўйхат рақами 1393-4, 2015 йил 25 май).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

20. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1412, 2004 йил 23 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1412-1, 2013 йил 21 июнь), (рўйхат рақами 1412-2, 2015 йил 30 март).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

21. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1420, 2004 йил 30 октябрь).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

22. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1900, 2009 йил 6 февраль).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

23. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини

тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2140, 2010 йил 6 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2140-1, 2019 йил 5 август).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

24. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг «Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан, Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3038, 2018 йил 10 июль).

2020 йил 1 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

